*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

O'zLiDeP

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

24-(500)-сон

2013 йил 13 июнь, пайшанба

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган,
e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com,
web sayt: www.21asr.uz



**Асосий эътибор — кичик бизнесга**

3 ТАДБИРКОРЛИК



**Сон эмас, сифат муҳим**

5 ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА



**Саратон енгилиши керак!**

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## Иқтисодий ислоҳот

# Улкан ютуқлар

### ВА ЮКСАК ИМКОНИЯТЛАР НАМОЙИШИ

«Ўзэкспомарказ» Миллий кўргазма марказида уч комплекс — қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва истеъмол товарларини қайта ишлаш, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар корхоналарини бирлаштирган навбатдаги тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бошланди.

Тадбир Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 1 декабрда қабул қилинган «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ VII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи доирасида ташкил этилди.

Тадбирнинг очилишида мамлакатимиз корхоналари ва чет эллик ҳамкорларнинг саноат кооперациясида иштирок этиш, товарлар етказиб бериш, харид қилиш соҳасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштиришда манфаатдорлиги йил сайин ортиб бораётгани таъкидланди.

2 ►►

## Ҳуқуқий эксперимент

# Ҳоким журналистларга ахборот берди

### САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ЗОИР МИРЗАЕВ «ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ СИНОВИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ ДОИРАСИДА ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШИБ, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРДИ



Маълумки, Президентимизнинг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақидаги фармойишида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасидаги вазифаларни амалга ошириш масалалари ҳамда жамоатчилик учун қизиқарли бўлган бошқа масалалар бўйича интервью, матбуот анжуманлари, брифинглар ўтказиш лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилган.

2 ►►

## ННТлар фаолиятидан

# «Кўприк»лар мустаҳкамланаяпти

### 2013 ЙИЛНИНГ I ЧОРАГИДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ ТОМОНИДАН ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ 5 ТА ННТГА 60 МИЛЛИОН СЎМ МИҚДОРИДАГИ ГРАНТ МАБЛАҒЛАРИ АЖРАТИЛДИ

Маълумки, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган 6 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳар бир жабҳада аҳолининг фаол иштирокини таъминлашга ҳисса қўшаяпти. Мутахассислар ибораси билан айтганда, нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат ва аҳоли ўртасидаги ўзига хос кўприкка айланди. Хўш, Тошкент вилоятидаги ННТлар асосан қайси йўналишларга кўпроқ эътибор қаратаяптилар?

3 ►►





Солиҳ ЗОИР олган суратлар

# «ART TEX SERVIS»нинг истиқболи порлоқ

**Пойтахтимизда сифатли ва бежирим маҳсулотлар ишлаб чиқараётган истиқболли корхоналар қаторида «Art Tex Servis» масъулияти чекланган жамияти алоҳида ўрин эгаллайди. Асосан кийим-кечак ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ўтган давр мобайнида харидорлар ишончини тўла қозонди, дейиш мумкин. «Асака» банкдан олинган 124 млн. 500 минг сўмлик лизинг эвазига Хитойдан юқори қувватли тикув машиналари харид қилиниб, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни қайта ташкил этилди. Ҳозир жамоада 33 киши меҳнат қилмоқда. Улар тайёрлаган замонавий кийим-кечаклар нафақат ички бозор, балки экспортга ҳам йўналтирилмоқда. Хусусан, қўшни Қозоғистонда ҳам корхона маҳсулотларига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бораётир.**

## Депутатлик гуруҳларида

# O`zLiDeP ташаббуси қўллаб-қувватланди

### ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАРШИ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИГА O`ZLIDEP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ТОМОНИДАН УЧТА МАСАЛА КИРИТИЛДИ

Айни пайтда 1400 нафардан ортиқ партия аъзоси бўлган Қарши шаҳрида 83 та бошланғич ташкилот иш олиб бормоқда. Бу жараёнда O`zLiDePдан сайланган 9 нафар депутат ҳам фаол иштирок этаяпти.

— Биринчи масала «Ерқўрғон» деҳқон бозори ҳудудидаги савдо ва хизмат кўрсатиш биноларини ободонлаштириш, бозорнинг иккинчи дарвозасидан кириш қисмидаги 5 гектарга яқин майдонда тадбиркорлар учун ажратилган 6 та икки қаватли савдо мажмуасини ишга тушириш масаласи бўлди, — деди O`zLiDeP Қарши шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Холмирза Болтаев.

3 ►►

## Болалар спорти

# Эзгу ниятлар тантанаси

### МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЛК ЙИЛЛАРИДАНОҚ ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ЭТИШ, ЁШЛАРНИНГ СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШЛАРИ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЮЗАСИДАН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР БУГУНГА КЕЛИБ УЛКАН НАТИЖАЛАР БЕРАЯПТИ

Айни пайтда қай бир ҳудудга борманг, замонавий спорт мажмуалари навқирон авлод вакиллари ихтиёрида эканига гувоҳ бўласиз.



Таъкидлаш жоиз: Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 24 октябрдаги фармонига мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи эвазига ўтган ўн йил давомда 1113 та болалар спорти объекти, жумладан, 252 та янги спорт комплекси, 861 та спорт зали барпо этилди.

8 ►►

**БУГУНГИ СОНДА:**

**ҚОНУН ТАРҒИБОТИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЭМАС** — 3-САҲИФАДА

**500 ЙИЛ УМР КЎРИШ МУМКИН-МИ?** — 4-САҲИФАДА

**САНЪАТМИ ЁКИ САНОАТ?** — 6-САҲИФАДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 11 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▼ 1964,68 | 1 АҚШ доллари | ▲ 2088,09 | 1 Хитой юани | ▲ 340,45 | 1 Туркия лираси | ▲ 1108,62 | 10 Япония иенаси | ▲ 212,53 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▼ 3241,55 | 1 Миср фунти | ▲ 299,39 | 1 Малайзия ринггити | ▼ 668,40 | 1 Швейцария франки | ▲ 2228,48 | 1 Россия рубли | ▼ 64,77 |
| 1 Дания кронаси | ▲ 369,74 | 1 Исландия кронаси | ▲ 17,29 | 1 Польша злотийси | ▲ 650,74 | 1 ЕВРО | ▲ 2742,09 | 1 Украина гривнаси | ▲ 261,24 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ 568,54 | 1 Канада доллари | ▲ 2046,95 | 1 СДР | ▲ 3173,77 | 10 Жанубий Корея вони | ▲ 18,54 | | |

# Улкан ютуқлар

## ВА ЮКСАК ИМКОНИЯТЛАР НАМОЙИШИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Мехрибон МАМЕТОВА,**
ЎзА мухбири



Ўтган йилги саноат форумида 207 корхона қатнашиб, қарийб 1,5 минг турдаги маҳсулотни намойиш этди. Улар томонидан умумий қиймати 96,6 миллиард сўмлик ва 40,1 миллион долларлик 297 шартнома имзоланди. Жорий йилда форумда «Ўзпахтасаноат» акциядорлик компанияси, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўздонмаҳсулот», «Дори-дармон» акциядорлик компаниялари таркибидаги икки юз йигирмадан ортиқ корхона, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда бошқа ташкилотлар иштирок этмоқда.

Кўргазмада «Ўзбекенгилсаноат» таркибидаги 18 корхона пайпоқ буюмлари, трикотаж матолар, тугмалар, қадоқлаш материаллари, маркировкалар, лейбллар ва бошқа кенг турдаги маҳсулотларни намойиш этмоқда. Эркаклар, аёллар ва болаларнинг юқори сифати ва қулай нархлари билан ажралиб турадиган кийимлари алоҳида эътиборга лойиқдир.

**СЎНГГИ ЎН ЙИЛДА СОҲАДА ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛГАН ҚИРҚ ЛОЙИҲА САМАРАСИДА ШАҲАРЛАРАРО, ХАЛҚАРО ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ СТАНЦИЯЛАРНИНГ 98 ФОИЗИ РАҚАМЛАШТИРИЛДИ, ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ИМКОНИЯТИ КЕНГАЙДИ.**

«Ўзбекенгилсаноат» ДАК Тўқимачилик маҳсулотлари рекламаси ва маркетинги агентлиги директори Расул Содиқовнинг айтишича, ушбу тадбирда қатнашиш истагини билдираётган корхоналар сафи йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Бу – салоҳиятни намойиш этиш, янги шериклар топиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ажойиб имкониятдир. Масалан, ўтган йилги тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида енгил саноат корхоналари қиймати 29,2 миллиард сўмлик шартномалар тузди. Бу йил бу кўрсаткич 30 миллиард сўмдан ошади.

Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси ва «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси стендлари ҳам гавжум. Бу ерда намойиш этилаётган турли хил нон ва нон маҳсулотлари, макарон, қандолатчилик, гўшт-сут маҳсулотлари, ёғлар иштаҳани очади.

Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси стендида ўн корхона юздан зиёд турдаги маҳсулотни намойиш этмоқда. Уларнинг қарийб ўттизтаси Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилаётган янги маҳсулотлардир. Масалан, «Angeline cosmetics» компанияси бир неча турдаги янги совун, «Учқўрғон-ёғ» очиқ акциядорлик жамияти ўсимлик ёғи, техник саломас, «PSM» очиқ акциядорлик жамияти эса ўнлаб турдаги печенье маҳсулотларини тақдим этган.

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси стендида 44 корхона 35 турдан ортиқ маҳсулотни намойиш этмоқда. Компаниянинг тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида иштирок этишдан асосий мақсади янги ҳамкорлар топишдир. Негаки, бу йил тармоқда 28 кичик новвойхона, иккита тегирмон ва иккита қандолатчилик цехини ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Сув хўжалиги саноат корхоналари уюшмаси тизимдаги ўттиздан ортиқ корхона маҳсулотларини намойиш этмоқда. «Сувсаноатмашқуювчи» унитар корхонаси гидротехника иншоотлари учун винтли ва икки винтли кўтаргичлар, экскаваторлар ҳамда насос ускуналарига эҳтиёт қисмлар, қуйилган маҳсулотларни, «Шодиев Э.Б» хусусий корхонаси юк кўтариш воситалари, «Сувиншоатбутлаш» масъулияти чекланган жамияти калавадан тайёрланган сальникли тиқин, «Чустмаш» масъулияти чекланган жамияти электр машиналар учун графит чўткалар ҳамда чўтка тутқичлар, сув хўжалиги учун қулфлар ва бошқа ностандарт ускуналарни таклиф этмоқда.

«Сувиншоатбутлаш» масъулияти чекланган жамияти вакилларининг маълум қилишича, саноат форумида қатнашиш кооперация алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашади. Бундай тадбирлар натижасида корхона Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, «Ўзметкомбинат» очиқ акциядорлик жамияти ва бошқа корхоналарга ўзининг муҳандислик хизматларини таклиф этиб, маҳсулотларини етказиб бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, навбатдаги тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси мамлакатимизнинг ривожланиб бораётган тармоқларидан бири — ахборот технологиялари соҳаси салоҳиятини ҳам намойиш этиш имконини бермоқда. Сўнгги ўн йилда соҳада ҳаётга татбиқ этилган қирқ лойиҳа самарасида шаҳарлараро, халқаро телефон станциялари ва маҳаллий станцияларнинг 98 фоизи рақамлаштирилди, замонавий телекоммуникация хизматларини кўрсатиш имконияти кенгайди.

Форумда автомат телефон станциялари учун кенг турдаги ускуналар, масофадан туриб бошқариладиган ускуналар ва абонент қурилмалари, жумладан, интернетдан фойдаланувчилар учун CDMA мобиль телефонлари, USB ва ADSL-модемлар ишлаб чиқараётган учта корхона ҳам иштирок этмоқда. Илгари бундай маҳсулотлар четдан олиб келинган бўлса, бугун истеъмолчилар мамлакатимизда тайёрланган ушбу маҳсулотларни арзон нархларда харид қилиши мумкин.

Бир йўла уч комплекс корхоналарини бирлаштирган тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси мазкур соҳаларда эришилаётган юксак ютуқлар ва мавжуд имкониятларни намойиш қилиш, янги қўшма лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги яна бир улкан имкониятдир.

**КЕЙИНГИ БЕШ ЙИЛДА ВИЛОЯТДА КИМЁ САНОАТИ 4,3 МАРТА, ЎРМОНЧИЛИК ВА ЁҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛАШ 12,2 ФОИЗ, МАШИНАСОЗЛИК ВА МЕТАЛЛНИ ҚАЙТА ИШЛАШ 2,4 МАРТА, ЕНГИЛ САНОАТ 2,2 МАРТА, ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ 1,9 МАРТА, ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЭСА 3,2 МАРТАГА ЎСДИ.**

## Ҳуқуқий эксперимент:

# Ҳоким журналистларга ахборот берди




Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI asr»

Самарқанд вилояти ҳокимининг журналистлар учун ўтказган брифинги ҳам айнан ана шу фармойиш асосида ташкил этилди.

Брифингда ялпи ҳудудий маҳсулот 112,7 фоизга ошиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 66,7 фоизни ташкил этганига алоҳида эътибор қаратилди.

— Ҳисобот даврида саноат ишлаб чиқаришига жами 233,1 млрд. сўм инвестиция киритилди, — деди З.Мирзаев. — Яна бир муҳим маълумот шуки, кейинги беш йилда вилоятда кимё саноати 4,3 марта, ўрмончилик ва ёғочни қайта ишлаш 12,2 фоиз, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш 2,4 марта, енгил саноат 2,2 марта, озиқ-овқат саноати 1,9 марта, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш эса 3,2 мартага ўсди.

Тадбирда саноат корхоналарида замон талабига жавоб берадиган янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани, жумладан, мавжуд ускуналарнинг — 60, тикувчилик, тўқимачилик ва атторлик буюмлари ишлаб чиқариш дастгоҳларининг эса 90 фоизи янгилангани таъкидланди.

Шу билан бирга журналистларга вилоятда юк автомашиналари ва автобуслар, шиша идишлар, уй-рўзғор буюмлари, атир совун, янги турдаги гилам ва паласлар, замонавий мебеллар ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар хусусида ҳам атрофлича маълумот берилди. Биргина «Сам Антеп Гилам» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасини модернизациялашга 4 млн. доллар инвестиция киритилгани натижасида 45 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозиргача мазкур корхона томонидан 7,5 млн. доллар микдоридаги маҳсулот экспорт қилинди.

Қишлоқ хўжалигида ҳам изчил ислоҳотлар амалга оширилаётир. Хусусан, 2013 йилнинг биринчи чорагида 44 та баликчилик ва 58 та асаларичилик хўжалиги ташкил этилган бўлса, парандачилик соҳасида вилоят энг олдинги ўринга чиқиб олди. Буни ҳудудда 36 та йирик корхона фаолият олиб бораётгани ва кунига 1,8 млн. дона тухум ишлаб чиқарилаётганида ҳам кўриш мумкин.

## Қарор Ва ижро

# Бизнес маркази — тадбиркорлар кўмакдоши

### ФАРҒОНА ШАҲРИДАГИ БИЗНЕСГА КЎМАКЛАШИШ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛАРГА ЖОРИЙ ЭТИЛАЁТГАН ИНТЕРФАОЛ ХИЗМАТЛАР МИЖОЗЛАРГА ҲАР ТОМОНЛАМА МАНЗУР БЎЛМОҚДА

Ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланаётган бугунги даврда компьютер, интернет ва бошқа замонавий алоқа воситалари олис, чекка қишлоқларда ҳам кундалик турмуш тарзимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётир. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги йилдан-йилга ошиб, компьютер техникаси ва электрон ҳужжат айланиш тизими ривожланаётир. Барча соҳада замонавий коммуникация технологияси қулай ва тезкор маълумот алмашиш ва хизмат кўрсатиш воситасига айланмоқда. Буни Фарғона вилояти марказида ташкил этилган Бизнесга кўмаклашиш марказида йўлга қўйилган интерфаол хизматлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтган йил март ойида иш бошлаган мазкур марказ бугунги кунда тўрт мингдан зиёд тадбиркорга сифатли хизмат кўрсатмоқда. Замонавий бизнес таълими, баҳолаш, юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш, ижара хизмати, товар-хомашё биржаси каби бўлимлар улар ихтиёрида.

— «Бир дарча» тамойили асосида фаолият кўрсатаётган марказимиз тадбиркорларнинг яқин кўмакдошига айланди, — дейди Бизнесга кўмаклашиш маркази раҳбари Инобат Маматхонова. — Марказимиздаги ахборий киоск орқали электрон маълумот олиш имкониятининг яратилганлиги тадбиркорлар учун катта қулайликдир.

Дарҳақиқат, мазкур инфокиосклар ойлик иш ҳақини тижорат банкига бормасдан пластик карточкага юклаб оладиган, нақд пул ва пластик карточкалар орқали коммунал хизматлар, интернет, мобиль ва шаҳар телефонлари учун тўловларни тез ва ишончли амалга оширадиган қулай муомала воситаси сифатида мижозлар ишончини оқлаётир. Шунингдек, бугунги кунда тадбиркорлар «Интернет банкинг ва банк-мижоз» хизматидан, «SMS-банкинг ва мобиль банкинг» хизмат туридан самарали фойдаланмоқда.

Марказда солиқ ва молия муассасалари ўртасида ягона ахборот алмашиш тизими жорий этилгани мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

— Тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйишда Бизнесга кўмаклашиш маркази катта ёрдам берди, — дейди марғилонлик тадбиркор Наргиза Аҳмедова. — Бу ердаги инфокиоск кўмагида истиқболли бизнес-лойиҳамни тайёрладим. «Микрокредитбанк»нинг имтиёзли кредити эвазига тикув машиналари олиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ўндан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

**М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири.**

# Хабарлар

### ЧИНДА ҲАМКОРЛИК КЎРГАЗМАСИ

Хитойнинг Цзясин шаҳрида (Чжецзян провинцияси) «Ипак йўли — Ўзбекистон болалари нигоҳида» номли кўргазма иш бошлади. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган нуфузли тадбирда Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган болалар ижодиёти марказлари тарбияланувчилари ҳамда хитойлик болаларнинг 200 га яқин ишлари намойиш этилмоқда.

Музофотнинг хориж мамлакатлари билан дўстлик алоқаларини ўрнатиш ассоциацияси ижрочи вице-президенти Чен Айженнинг таъкидлашича, Ўзбекистон ХХРнинг Марказий Осиёдаги энг асосий стратегик шерикларидан биридир. Мазкур кўргазма орқали эса провинция аҳолиси юртимиз тарихи ва бой маданияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлади.

Шу ўринда кўргазмага бежиз шундай ном берилмаганини қайд этиш жоиз. Зеро, айнан Буюк Ипак йўли орқали икки минг йил аввал Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасида савдо-сотиқ ҳамда маданиятлараро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Кўргазмадан жой олган асарларда эса болалар нигоҳи орқали ўша даврга назар ташланаяпти.

Маълум бўлишича, бир ой давомида Цзясиндаги қатор мактабларда ўтадиган кўргазма 26 июлдан вилоятнинг маъмурий маркази — Ханчжоу шаҳрига кўчади.

**Дилфуза ҲАБИБОВА тайёрлади.**

### ТЕЖАМКОР УСКУНАЛАР

Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг “Электр таъминоти ва энергия самарадорлигини яхшилаш” грант лойиҳаси доирасида қуёш батареяси орқали сув қиздирувчи коллектор ва тежамкор сенсорли лампалар ўрнатилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига ўрнатилган тежамкор электр таъминоти ускуналари замонавий усулда барпо этилган 60 ўринли хирургия мажмуасини муқобил электр энергияси ва иссиқ сув билан узлуксиз таъминлаш имконини беради. Ишончли, экологик тоза муқобил электр таъминотидан фойдаланиш энергияни тежаш самарадорлигини ошириб, тиббий асбоб-ускуналардан янада унумли фойдаланиш ва тиббий хизмат сифатини яхшилашга хизмат қилади.

– Ўзбекистонда барча соҳа изчил ривожланаётир, – дейди Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Карл Тестенсен. – Серқуёш мамлакатингизда муқобил электр энергиясидан самарали фойдаланиш учун катта имкониятлар мавжуд. Қуёш фотоэлектр станциялари, айниқса, Сурхондарё вилоятида яхши самара беради. Бунга вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида фойдаланишга топширилган мазкур ускуналар яққол мисолдир.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА мухбири.**



### ЭЛМУРОД ТЎРАЕВНИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Китоб шаҳридаги «Гўзал савдо сервис» масъулияти чекланган жамияти 82 минг АҚШ доллари микдоридаги мевани қайта ишлаш линиясини ўрнатди. Сал аввал эса жамиятга Германиядан 400 тонна сиғимдаги музлатгич ҳам олиб келинган эди. Жамият раҳбари — тадбиркор Элмурод Тўраевнинг таъкидлашича, Мустақиллик байрами арафасида ишга тушадиган мазкур цехда яна 10 киши иш билан таъминланади.

— Ҳозирга қадар 203 минг 750 долларлик кредит олиб, унинг асосий қисмини қайтариб бўлдим. Бу йил яна 200 млн. сўмлик кредит эвазига маиший хизмат мажмуаси ва тўйхона қуриб, фойдаланишга топширмоқчимиз. Ана шунда жамиятимиздаги ишчилар сони 100 нафардан ошади, — дейди тадбиркор.

**Сайфулла ИКРОМОВ.**

## КЕЛГУСИ СОНЛАРДА

**Гулнора МАҲМУДОВА,**
«Тадбиркор аёл» Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси:

**Айни пайтда яратувчилик ва бунёдкорликка улкан ҳисса қўшаётган жами тадбиркорларнинг 35, фермерларнинг эса 10 фоизини аёллар ташкил этаяпти. Бу, ўз навбатида, хотин-қизларимизнинг нафақат оила, балки юртимиз иқтисодиётининг турли соҳаларида ҳам ўз ўрнига эга эканидан далолатдир.**

# O`zLiDeP ташаббуси қўллаб-қувватланди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»



— Иккинчи масала бу — мавжуд 62 та маҳалла аҳолиси ўртасида «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, аҳолининг ҳуқуқий-иқтисодий билимларини ошириш, тадбиркорликка йўналтириш орқали улар бандлигини таъминлашдан иборат эди. Шунингдек, депутатлик гуруҳи 2012-2013 ўқув йилида Қарши шаҳридаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни битирувчи 7208 нафар ёшни ишга жойлаштириш тўғрисида уч томонлама тузилган шартнома шартлари ўқув муассасалари директорлари, бандликка кўмаклашувчи марказ ва иш берувчи ташкилотлар томонидан ўз вақтида бажарилиши юзасидан амалий ишларни янада кучайтириш масаласини ҳам сессия кун тартибига киритдилар.

— Президентимизнинг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш энг долзарб масалалардандир, — дейди халқ депутатлари Қарши шаҳар кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Баҳром Сатторов.

Сессияда O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Шуҳрат Хайруллаев, депутатлардан Хуршида Ўроқова ва Саид Холиқов ҳам сўзга чиқиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти эркинлигини ривожлантиришга оид фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш кенгаш фаолиятидаги устувор йўналиш эканини таъкидладилар. Бу борадаги амалий ишларнинг кучайтирилиши аҳолининг депутатларга ишончи ортиши, уларни партия ғояси атрофида бирлашиб, дастурий мақсадларни амалга оширишга сафарбар этиши алоҳида айтиб ўтилди.

— Сессияда ёшларни иш билан таъминлаш бўйича ҳудудий ва давлат дастурлари ижроси юзасидан мониторинг ва назорат ишларини янада кучайтиришга келишиб олдик, — дейди Х.Болтаев. — Фаолият кўрсатмаётган кам қувватли корхоналарга инвестиция киритиш орқали улар фаолиятини қайта тиклаш юзасидан ҳам амалий ишлар бошлаб юборилди. Депутатлик гуруҳимиз томонидан шаҳар кенгашининг навбатдаги сессиясига яна иккита масала киритиш борасида назорат-таҳлил ишларини олиб бораяпмиз. Мақсадимиз — партиямизнинг дастурий вазифаларини амалга ошириш асносида халқимиз фаровонлигини юксалтиришга ҳисса қўшишдир.

Сессияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, улар ижросини назорат қилиш O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоларига юклатилди.

## ННТлар фаолиятидан

# «Кўприк»лар мустаҳкамланаяпти

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
«XXI asr»

Маълумотларга кўра, мавжуд ННТлар саъй-ҳаракати билан ҳар йили вилоятнинг юзлаб ёшлари муайян касб эгаси бўлишаяпти. Шу ўринда эндигина иш бошлаган тадбиркорлик субъектларининг кўпчилигига ННТларда билим олган ёшлар етакчилик қилаётганларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Аксарият ННТлар эса ёшлар орасида ёт иллатларни бартараф этиш, уларга бефарқ бўлмаслик каби фаол фуқаролик позициясини тарғиб этмоқда. Вояга етган қизларни оила қуришга тайёрлаш, туғма ёки баъзи сабаблар боис ногирон бўлиб қолган йигит-қизларни бирор касбга йўналтиришда ҳам ушбу тузилмаларнинг ўрни катта бўлмоқда.

Ана шундай ННТлардан бири Қибрай туманидаги «Опа-сингиллар» нодавлат нотижорат ташкилотидир. 2006 йилда ташкил этилган мазкур тузилма қишлоқ жойларида ногирон хотин-қизларни касбга йўналтириш, уларнинг доимий иш ўрнига эга бўлишларига ёрдам беришни бош мақсадига айлантирган. Яқинда ушбу ташкилотнинг «Касбга эга бўлиш – муносиб ҳаётга йўлдир» дастури 14 миллион сўмлик грантга лойиқ, деб топилди. Айни пайтда мазкур маблағ қибрайлик ногирон хотин-қизларни уй шароитида касаначилик, хусусан, тикувчилик билан шуғулланишларига сарфланаяпти.

Бўка туманидаги Кўзи ожизлар жамияти ҳам жамоат фонди томонидан давлат гранти шаклида молиялаштирилган «Дунё бизнинг нигоҳимизда» лойиҳасини амалга оширмоқда.

Унинг асосий мақсади туманнинг олис қишлоқларида яшаётган заиф кўрувчи ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларнинг компьютер ва мусиқа таълими юзасидан саводхонлигини оширишдан иборат. «Кўз нури» номли ўқув-семинари ҳам айнан ана шу мақсадларга хизмат қилди. Унда туманнинг чекка ҳудудларидан 70 нафар кўзи ожиз киши малакали мутахассислардан сабоқ олди.

— Мен компьютерга қизиқаман. Бироқ инклюзив таълимда ўқиганим боис имкониятларим чегараланган эди, — дейди лойиҳа қатнашчиси Дилмурод Эркабоев. — Компьютер саводхонлигини ошириш учун ташкил этилаётган ўқув-семинарларда малакали мураббийимиз соҳанинг бошланғич таълимотидан тортиб, мураккаб жараёнларигача ўргатаяпти. Давлат маблағларининг биз каби имконияти чегараланган ёшларнинг билим олишларига сарфланаётгани биз учун жуда катта маънавий кўмак бўлмоқда.

— Мазкур лойиҳа доирасида 200 нафар заиф кўрувчи ёшларнинг билим даражасини мустаҳкамлаш режалаштирилган, — дейди лойиҳа координатори Тожи Халилова. – Энг муҳими, заиф кўрувчи ёшларнинг кўп қатори компьютер ва мусиқа соҳасидаги билимлари мустаҳкамланади, соғлом тенгдошлари қаторида эканликларини ҳис қилишларига имкон яратилади.

«Умид нурлари» нодавлат нотижорат ташкилоти эса 2007 йилдан бери ёшлар орасида тиббий маданиятни юксалтириш, нафақат ўзи, балки атрофдагиларнинг саломатлигини сақлашга ҳам ўзини дахлдор, деб билган ёшларни тарбияламоқда. Шунингдек, уларда инсон саломатлигига салбий таъсир этадиган номаъқул одатларнинг келиб чиқишига қарши курашиш туйғусини шакллантириш, теварак-атроф, экологик ва санитария-гигиеник ҳолатни яхшилашга интиладиган фидойи шахсларни тарбиялашга катта аҳамият берилмоқда. Бунинг учун вилоятдаги мактаблар, лицейлар, касб-ҳунар коллежларида турли учрашувлар, семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Бугун Тошкент вилоятидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар замирида, энг аввало, кучли фуқаролик тамойилларини шакллантириш, уларнинг иқтисодий-ҳуқуқий билимларини ошириш, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга кўмаклашиш мақсади мужассамдир. Энг муҳими, бу ишлар қоғозда эмас, амалда ўз аксини топмоқда.

ЭНДИГИНА ИШ БОШЛАГАН АКСАРИЯТ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ННТЛАРДА БИЛИМ ОЛГАН ЁШЛАР ЕТАКЧИЛИК ҚИЛАЁТГАНЛАРИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ.

## «Аёллар қаноти»

**Бухоро.** «Аёллар қаноти» ташаббуси билан Қоровулбозор туманида аёллар спортини ривожлантириш, хотин-қизларнинг ўз саломатлигига масъуллигини ошириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

**Жиззах.** «Аёллар қаноти»нинг «Кичик бизнес ва тадбиркорликни инновация асосида ташкил этишнинг афзалликлари» мавзуидаги тадбирда Ғаллаорол туманида оилавий корхоналар фаолиятини йўлга қўйишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган кредит турларидан фойдаланиш шартлари тўғрисида маълумотлар берилди.

**Кашкадарё.** Шаҳрисабз туманида ўтказилган йиғилишда «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси асосида аёллар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига оид янги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг амалий натижалари муҳокама этилди.

**Наргиза ҚАҲҲОРОВА тайёрлади.**

## Савол беринг, жавоб берамиз!

**Республикамиздаги тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга иккиламчи бозордан уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитлари ажратилаяптими? Агар ажратилса, қайси тижорат банкларидан кредит олишим мумкин?**

*Жўра САЙДАЛИЕВ,*
*Тошкет вилояти,*
*Чирчиқ шаҳри.*

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги 2-сонли қарори ҳамда Адлия вазирлигининг 2007 йил 12 октябрдаги 17/27-сонли аҳоли кенг қатламми, шу жумладан, ёш оилалар учун уй-жой қурилиши ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомига асосан якка тартибдаги уй-жой қурилиши реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 бараваригача: уй-жойни реконструкция қилиш, шунингдек, кўп квартирали уйдаги квартирани сотиб олиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бараваригача кредит олиш мумкин. Мазкур кредит ёш оилага 15 йил, бошқаларга эса 10 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади. Ёш оилаларга ажратиладиган кредит маблағлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкаси бўйича берилади. Бу кўрсаткич бугунги кунда 12 фоизни ташкил қилади. Кредит олиш учун ўзингиз яшаб турган туман, шаҳардаги тижорат банклари филиалларига мурожаат қилишингиз мумкин.

**Фарход ҚУРБОНОВ,**
Республика «Ипотека банки» ипотека, истеъмол кредитлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

# Қонун тарғиботи талаб даражасида эмас

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ПАЙАРИҚ, ОҚДАРЁ ВА ҚЎШРАБОТ ТУМАНИ МУТАСАДДИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI asr»

O`zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши ва халқ депутатлари вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳи мажлисида «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан Пайариқ, Оқдарё ва Қўшработ туманларида олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Пайариқ туман ҳокимлигининг Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Дилшод Сувоновнинг қайд этишича, ўтган йили туманда 422 та якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 200 дан ошган. Улар асосан қурилиш, қандолатчилик, тикувчилик ва хизмат кўрсатиш йўналишларида фаолият кўрсатаяпти. Бу, шубҳасиз, ҳудудда ҳам хусусий сектор вакиллари учун қулай бизнес муҳити яратишга оид Президент фармонлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинаётган қонунлар ижроси таъминланаётганидан далолатдир.

**ЎТГАН ЙИЛИ ТУМАНДА 422 ТА ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ РЎЙХАТДАН ЎТГАН БЎЛСА, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА БУ КЎРСАТКИЧ 200 ДАН ОШГАН.**

Хўш, бизнеснинг янги тури — оилавий корхоналар фаолиятини йўлга қўйишда туманда қандай натижаларга эришилмоқда? Депутатларнинг фикрича, ўтказилган таҳлиллар ҳали бу борада мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётганини кўрсатаяпти.

Хусусан, 2013 йилнинг I чорагида туманда биронта оилавий корхона ташкил этилмаган. Гарчи жойларда қонун асосида яратиб берилган қўшимча имтиёзлар ҳақида тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилаётган бўлса-да, бугунги натижалар ташвиқот масалаларининг ҳали талаб даражасида эмаслигини англатаяпти.

Ваҳоланки, Пайариқ туманида бу борада кенг имкониятлар мавжуд экани, аҳоли,айниқса, ёшларнинг тадбиркорликка иштиёқи баландлиги ҳеч кимга сир эмас. Бошқача айтганда, туманда оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш истагида бўлган юртдошларимиз кўпчиликни ташкил этади. Фақат уларга қонун асосида яратилган имтиёзлар моҳиятини, мутахассисларнинг холис тавсияларини изчил етказиш керак. Шундай ҳолатни Оқдарёда ҳам кузатиш мумкин. Масалан, ҳудудда бахмал матоси ва мармар ишлаб чиқараётган бор-йўғи 2 та оилавий корхона фаолият юритаётган бўлса, Қўшработ туманида бу кўрсаткич 4 тани ташкил этмоқда.

Депутатлар бундай натижаларга O`zLiDeP туман кенгаши мутасаддилари билан бирга, маҳаллий кенгашлардаги депутатларнинг эътиборсизлиги ҳам сабаб бўлаётганини эътироф этиб, қонун тарғиботини кучайтиришга келишиб олдилар.

Йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала — халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳининг мавжуд корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш юзасидан депутатлик сўрови бўйича Самарқанд шаҳрида автомобиль транспорти ҳаракатини ташкил этиш, йўловчилар ва пиёдалар хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Икром Расуловнинг ахбороти эшитилди.

— «Йўл ҳаракати хавфсизлиги» ойлиги давомида шаҳар (туманлар) ҳудудида 82 маротаба рейд ўтказилиб, 5152 та қоидабузарлик аниқланди, — деди И.Расулов. — Жумладан, маст ҳолда транспорт воситасини бошқарган 228 нафар ҳайдовчи ва 1009 нафар «Йўл ҳаракати қоидалари» талабларини бузган пиёдага нисбатан белгиланган тартибда чоралар кўрилди.

Эътибор беринг: яқинда Самарқанд шаҳридаги транспорт воситалари кўп ҳаракатланадиган чорраҳалардан бири М.Улуғбек-А.Навоий кўчалари кесишган чорраҳадаги пиёдалар ўтиш жойида замонавий ёруғлик диодли светофор ҳамда светофор ишораси тўғрисида пиёдаларни огоҳлантирувчи товушли мослама фойдаланишга топширилди. Афсуски, ана шундай қулайликларга қарамай, пиёдалар томонидан йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмасдан ўтиш ҳолатлари давом этмоқда. Масалан, янги светофор ўрнатилганидан кейин ҳам 10 мингга яқин пиёдага чора кўрилган. Бу нафақат ҳайдовчи, балки пиёдалар ҳам йўл ҳаракати қоидаларини яхши билишлари зарурлигини англатади. Айни пайтда пиёдаларнинг ҳаракатланишлари учун қулайлик яратиш мақсадида Рудакий кўчасининг «Темирйўл» деҳқон бозори қисмида, Рудакий-Даҳбед кўчалари кесишган чорраҳада ер ости йўлларини қуриш, асосий чорраҳаларни видеокузатув мосламалари билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

## Хабарлар

### ССПНИНГ ҚЎЛИ ЖУРНАЛИСТЛАРГА ЕТМАЯПТИМИ?

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан уюштирилган матбуот анжуманида 2012 йили 4200 га яқин тадбиркор иштирокида 50 га яқин учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилгани таъкидланди. Жорий йилнинг ўтган даврида эса маҳаллий ва марказий матбуотда бошқарма фаолиятига доир 28 та мақола эълон қилинган. Тадбир давомида ижобий ишлар билан бир қаторда мавжуд камчиликлар ҳам тилга олинди. Хусусан, палатага аъзо тадбиркорлар фаолиятини марказий ОАВ, жумладан, телевидение, радио, газета, интернет сайтлари орқали ёритиш етарли даражада ташкил этилмаяпти. Шунингдек, ҳудудий бошқарма томонидан сифатли теле ва радиороликлар, адабиётлар ҳамда бошқа босма тарғибот воситаларини тайёрлаш борасидаги ишлар ҳам талаб даражасида эмас.

### АСОСИЙ ЭЪТИБОР – КИЧИК БИЗНЕСГА




Андижон шаҳридаги «Ёшлар маркази»да Марказий банк ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги ва GIZ-Германия халқаро ҳамкорлик жамияти кўмагида банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари «BANKEXSPO-2013 ANDIJON» кўргазмаси ташкил этилди. Банк-молия тизими соҳасида қўлга киритилган натижалар ва истиқболдаги ривожланиш йўналишларини кенг оммага етказиш, янги технология ва хизматлар билан таништириш мақсадида уюштирилган кўргазмада барча тижорат банклари, етакчи суғурта компаниялари иштирок этдилар.
Шунингдек, кўргазмада тижорат банклари томонидан вилоятнинг чекка туманларида фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, эндигина фаолият бошлаётган ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган лойиҳалар бўйича ўтказилган танлов ғолибларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар ҳам топширилди.

**Ахрoржон МУСУРМОНОВ.**

## Бу — қизиқ

### 500 ЙИЛ УМР КЎРИШ МУМКИН-МИ?

**Ушбу саволни эшитган ҳар қандай одам унга жавоб излаш ўрнига мийиғида кулиб қўяқолади. Чунки энг ривожланган мамлакатларда ҳам ўртача 75 йил умр кўришга эришиш жуда катта натижа ҳисобланаётган бир пайтда 500 рақамини тилга олишининг ўзи ғалати. Лекин... Ҳар биримиз узоқ яшашни истаймиз, албатта. Мутахассисларнинг кузатувларига қараганда, бугунги экологик носоғлом муҳитда ҳам мавжуд меъёрларга амал қилган одам 150-200 йил умр кечириши мумкин экан. Аммо ҳайвонларнинг тақдири сал бошқачароқ, яъни уларнинг умри ўсиш даврига нисбатан 5-8 марта ортиқ бўлади. Ит икки йил мобайнида ўсади ва ўртача 10-15 йил, от эса беш йил давомида ўсиб, 30-40 йил яшайди. Одамнинг 25 ёшгача ўсишини ҳисобга оладиган бўлсак, демак, у нормал шароитда ҳақиқатан ҳам 150-200 йил умр кўриши мумкин. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиладиган бўлса, 100 ёшга етмай вафот этган одам қандайдир касаллик сабабли тириклик дунёсини тарк этган ҳисобланади. Аслида ер юзида узоқ умр кўрганлар анча-мунча. Масалан, озарбайжонлик Шерали Муслимов 168 йил яшаган. Туркиялик Фетима Эдгар 1964 йили 127 ёшли эридан эгизак фарзанд кўрган. Мамлакатимизда ҳам 100 ёшга кирган отахону онахонларимиз оз эмас. Уларнинг сони йил сайин ортиб бораяпти. Энди сарлавҳага келсак, у ўқувчи эътиборини тортиш учун атайин ўйлаб топилгани йўқ. Европалик олим Берд Сполдинг 1694 йили Тибетга экспедицияси чоғида маҳаллий аҳоли орасида 500 йил, ҳатто ундан ҳам кўп ҳаёт кечирган инсонларни учратгани ҳақида ёзади. («Жизнь и учение мастеров Дальнего Востока» /София/ Киев, 1997 г.). Ушбу китобда таъкидланишича, узоқ умр кўришларига қарамай, уларнинг қадди тик, хипча, қиёфалари эса 35-40 ёшлардаги одамларники сингари бўлган. Муаллифнинг таъкидлашича, узоқ умр кўриш сирларидан бири — бу тибетликларнинг тоза ҳаводан нафас олишлари, мусаффо булоқ сувидан ичиб, кўпроқ турли кўкатларни истеъмол қилишларида экан. Жаннатмакон Ўзбекистонимизда ҳам истеъмол қилинадиган кўкатларнинг тури жуда кўп. Улар таркибида организм учун керакли минерал тузлар, витаминлар, микроэлементлар, эфир мойлари ва бошқа кўплаб бирикмалар мавжуд. Айниқса, шивит (укроп) карафс (сельдерей), кашнич каби кўкатлар турли минералларга бойдир. Лекин улар кишининг мижозига қараб турлича таъсир кўрсатади. Шундай экан, шифокорларга учраб, қайси организм қандай кўкатни «хуш» кўриши ёки аксинча эканлигини аниқлаб олиш фойдадан холи эмас. Бир сўз билан айтганда, кимнинг қанча умр кечириши ўзига ҳам боғлиқ.**

Мусурмон РЎЗИЕВ тайёрлади.

**Ўзбекистон Республикаси**
*мустақиллигининг 22 йиллиги олдидан*

# Замин соҳиби

2012 ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА КЎРА, «САХОВАТ» ФЕРМЕР ХҲЖАЛИГИ 200 МИЛЛИОН СЎМ ЯЛПИ ДАРОМАД ҚИЛГАН БЎЛСА, ШУНДАН 92 МИЛЛИОН СЎМИ СОФ ФОЙДА БЎЛДИ. ИШЧИЛАРГА ҒАЛЛА, ЧОРВА УЧУН ЕМ-ХАШАК БЕРИЛДИ. САЛОМАТЛИКЛАРИНИ ТИКЛАШ, ФАРЗАНДЛАРИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ВА ЎҚУВ ЖИҲОЗЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, ҲАТТО ТЎЙ ҚИЛИШЛАРИДА ҲАМ ХЎЖАЛИК ЎЗ ЁРДАМИНИ АЯМАЯПТИ

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»



Миришкорлик Нейматилла Шамсиддинов истиқлолнинг дастлабки йилларида тадбиркорликни танлаган юртдошларимиздан бири. У шу тариқа қишлоғидаги элликка яқин кишини иш билан таъминлади. Бир гектар ерда мевали боғ яратди. 21-Тошкент массивида фойдаланилмай ётган 60 гектар ерни юлғуну тиконлардан тозалаб, пахта ва ғалла экди. 5 километр масофага электр тармоғи тортиб, электр насослар ёрдамида сув чиқарди. Жазирамада меҳнат қилишнинг қийинчиликларини билганлар барибир ташлаб кетади, дея фол ҳам очгандилар ўшанда. Бироқ қатъиятли фермер Рустам Усмонов, Асадулла Носиров, Ҳусниддин Шамсиддинов, Жуманазар Файзиев сингари елкадошлари билан бирга чўлда ҳам мўл ҳосил етиштириш имкони борлигини исботлади. Бугунги кунга келиб фермернинг экин майдонлари бедазорларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 212 гектарни ташкил этади. 248 гектар яйлови бор. Хўжаликка ўттиздан ортиқ техника воситалари сотиб олинган.

10 гектар ерга ўтқазилган мевали дарахтлар ҳосилга кирганига бу йил ўн йилдан ошди. Энди улар фермер хўжалиги ишчиларининг дастурхонини безаяпти. Янги йил арафасида ҳар бир ишчига бодом, писта ва бошқа тансиқ мевалар тортиқ қилинаяпти. Бундан ташқари фермер хўжалигида сабзавот ва полиз экинлари ҳам етиштирилади. Қувонарлиси, хўжаликнинг ҳар бир тармоғи бундан катта фойда кўраяпти.

Бу йил «Саховат» фермер хўжалиги 70 гектар ерга экилган ғалланинг ҳар гектаридан 100 центнердан ошириб уруғлик дон кўтаришни режалаштирган. Айни пайтда ўрим-йиғим авжида. 85 гектар майдонда ғўза ниҳоллари парвариш қилинмоқда. Мўлжал — 200 тонна.

Фермер чўлда «Саховат» шаҳарчасини ҳам барпо этди. Бу ерда аҳоли учун барча шароитлар яратилган. Қаровсиз ётган ферма қайта таъмирланди. Бугун фермер хўжалигида 650 бош майда ва 96 бош катта шохли чорва моллари парвариш қилинмоқда.

Нейматилло Шамсиддинов Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Миришкор туман кенгаши раиси, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзоси, туман кенгаши депутати ҳам. Бугун тумандаги 30 та бошланғич ташкилот ўз сафига 500 нафардан ортиқ партия аъзосини бирлаштиргани ҳолда иш олиб бораяпти. Аҳоли ўртасида ғоявий-сиёсий ишлар бугунги талаблар даражасида ташкил этилаётгани боис партияга бўлган ишончи ортиб бораётир. Туман кенгашига мурожаат этувчилар сони ҳам кўпаймоқда. Кенгаш ташаббуси билан фермерларнинг тендер танлови, минерал ўғит ва ёқилғи таъминоти, техник хизмат кўрсатиш, шартнома талабларининг бузилишига оид қатор муаммолари ўрганилиб, депутатлар ёрдамида ижобий ҳал этилаяпти.

> **ФЕРМЕР ЧЎЛДА «САХОВАТ» ШАҲАРЧАСИНИ ҲАМ БАРПО ЭТДИ. БУ ЕРДА АҲОЛИ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН. ҚАРОВСИЗ ЁТГАН ФЕРМА ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНДИ. БУГУН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА 650 БОШ МАЙДА ВА 96 БОШ КАТТА ШОХЛИ ЧОРВА МОЛЛАРИ ПАРВАРИШ ҚИЛИНМОҚДА.**

— Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманида 87 минг аҳоли, 22 миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади, — дейди фермер. — Чорвачилик бизда яхши ривожланган. Деярли ҳар бир оилада майда ва катта шохли чорва бор. Тери ва жунни қайта ишлайдиган минитехнологиялар келтирилса, янги иш ўринлари яратиш янада кенгаяди. Чандир ва Помуқ қишлоқларида эса маҳаллий ҳунармандчилик қадимдан ривожланган. Масалан, жундан тўқилган кийимларни совуқ ўлкаларда харидорлари бисёр. Ёки туркман гиламлари, бошқа тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш мумкин. Хитойга бориб, мева ва сабзавотни, сут ва гўштни қайта ишлаш минитехнологияларини кўриб келдим. Фермер хўжалигимиз қошида кичик ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз.

— Президентимизнинг халқ депутатлари Тошкент ва Андижон вилоятлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларидаги нутқлари, унда билдирилган пурмаъно ўгитлари биз учун ҳам дастуриламал бўлди, — дейди фермер. — Юртбошимиз бугун фермерлар нафақат иқтисодиёт локомотивлари, балки юртнинг ободлиги, Ватан равнақи, халқ маъмурлиги йўлида астойдил жон куйдирадиган билимдон, сиёсий етук кишилар сифатида шаклланиб бораётганини алоҳида таъкидладилар. Бу эса бизни янада кўпроқ изланишга, меҳнат қилишга даъват этади.

...Фермер бизни дала томон бошлайди. Оби ҳаётга қондирилаётган ғўзалар ёшасига гуллай бошлабди. Сахий қуёш ўзининг заррин нурларини далалар узра сочади. Бир пайтлар сарҳадсиз саҳро ўрнида бугун жаннатмакон боғлар, бепоён экинзорлар ястаниб ётибди. Булар — мустақиллик мўъжизалари. Уларни яратган ва яратаётган фермерлар эса ҳақиқий замин соҳибларидир.

## Хушхабар

### ПИЛЛАКОРЛАРИМИЗ ЗАФАРИ




Мамлакатимиз пиллакорлари 25 минг тоннадан ортиқ сифатли пилла тайёрлаб, йиллик шартнома мажбуриятини бажардилар. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида пиллачиликда ҳам юқори самарадорликка эришилмоқда. Жорий йилда мамлакатимиз пиллакорлари 25 минг тоннадан ортиқ "кумуш тола" тайёрладилар. Бу йил Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро, Тошкент, Қашқадарё, Фарғона вилояти пиллачилари биринчилар қаторида пилла етиштириш шартнома мажбуриятини бажардилар. Каттақўрғон, Нарпай, Қумқўрғон, Денов, Ғиждувон, Жондор, Касби, Косон, Бешариқ, Бағдод, Бўка, Юқори Чирчиқ, Амударё, Беруний туманларида ҳар қути ипак қуртидан 60-66 килограмм ҳосил олишга эришилди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, бу йилги мавсумда қирқ беш мингдан ортиқ фермер хўжалиги томонидан 447 минг қутидан ортиқ ипак қурти парваришланиб, ўртача 57,5 килограммдан ҳосил олинган. Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга сотилган.

Чимбой туманидаги «Аралбай» фермер хўжалиги ҳар қути қурт уруғидан 83 килограмм, Жалолқудуқ туманидаги «Низом тонг шабадаси» фермер хўжалиги 82, Мирзачўл туманидаги "Улиасар Жалолхон" фермер хўжалиги 76 килограмм, Косон туманидаги «Ҳайдар бобо Бобомуродов» фермер хўжалигида 75 килограммгача «кумуш тола» етиштирилди.

Пиллачиларга кўмаклашиш мақсадида жойларда ишчи гуруҳлари шакллантирилди. "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимидаги пахта қабул қилиш пунктларида 196 ихтисослашган қуртхона ташкил қилинди. 1100 гектар интенсив тутзорлар барпо этилди. Мавжуд тутзорларда эса агротехника тадбирлари амалга оширилди.

Пиллакорларни моддий рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани самарадорликнинг яна бир омили бўлди. Хусусан, пилланинг харид нархи ўртача 35 фоиз оширилиб, етиштирилиши мўлжалланган ҳосил қийматининг 40 фоизи миқдоридаги маблағ мавсум бошиданоқ бўнак сифатида берилди.

Мамлакатимизда пилла қуртининг янги зотларини яратиш, ипак толасининг сифатини халқаро стандартлар даражасига етказиш, уни замонавий бозор тамойиллари асосида сотиш, қайта ишлаш жараёнини ислоҳ қилиш устувор вазифа этиб белгилангани соҳадаги муваффақиятларнинг муҳим омили бўлмоқда.

**ЎзА**



## Тадбиркорлик

# Ташаббускорлар учун кенг йўл

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ СОВРИНИ УЧУН ЎТКАЗИЛАЁТГАН АНЪАНАВИЙ «ТАШАББУС» КЎРИК-ТАНЛОВИ НАФАҚАТ МАРКАЗ, БАЛКИ ТОҒЛИ, ОЛИС ТУМАНЛАРДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ЭНГ ЯХШИ ТАДБИРКОР, ФЕРМЕР ВА ҲУНАРМАНДЛАРНИНГ ҲАМ ИЗЛАНИШ ВА МЕҲНАТЛАРИНИ МУНОСИБ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАЯПТИ

**Фарҳод ТОШБОЕВ**

Сурхондарё вилоятининг тоғли — Сариосиё туманидаги «Хонжиза Савдо Сервис» масъулияти чекланган жамияти ҳам жорий йилда кўрик-танловнинг туман ва вилоят босқичларида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичида иштирок этди.

Воҳанинг чекка ҳудудида олти йилдан буён фаолият юритаётган тадбиркорлик субъекти қандолатчилик, макарон, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни, аҳолига умумий овқатланиш хизмати кўрсатишни кенг йўлга қўйган. Дастлаб ишлаб чиқаришни сифат жиҳатдан оширган жамоа айни пайтда юксак технологияларга эътибор қаратаяпти. Ўтган йилни 1 миллиард 183 миллион 827 минг сўм даромад билан якунлаган корхона 50 миллион сўмликка яқин хайрия ишларини ҳам амалга ошириб, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатди. Ёшларнинг никоҳ ва суннат тўйларини ўтказишга ҳомийлик қилди. 32 нафар нуроний отахоннинг мамлакатимиздаги тарихий обидаларни зиёрат қилишга боришлари учун маблағ ажратди.

Айни пайтда жамият корхоналарида 52 киши доимий иш билан таъминланган. Ўтган йилнинг ўзида 28 та янги иш ўрни барпо этилди. Йилни 65 миллион сўмликка яқин соф фойда билан якунлади.

> **АЙНИ ПАЙТДА ЖАМИЯТ КОРХОНАЛАРИДА 52 КИШИ ДОИМИЙ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН. ЎТГАН ЙИЛНИНГ ЎЗИДА 28 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ БАРПО ЭТИЛДИ. ЙИЛНИ 65 МИЛЛИОН СЎМЛИККА ЯҚИН СОФ ФОЙДА БИЛАН ЯКУНЛАДИ.**

— Мамлакатимизда биз, тадбиркорлар учун барча шароит яратилиб, ҳуқуқларимиз мустаҳкам ҳимоя қилинаётгани ҳамда изланиш ва меҳнатларимиз муносиб рағбатлантирилаётганидан қувончимиз чексиз, — дейди масъулияти чекланган жамият раиси Абдуғаффор Аҳмедов. — Бу йил «Ташаббус» кўрик-танловида илк марта иштирок этиб, тадбирнинг биз учун муҳим аҳамиятга эга эканини янада чуқурроқ англаб етдим. Ушбу кўрик-танлов кўпроқ изланиб, янгилик яратишга, маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлигини оширишга ундади. Шу боис изланишларимизни давом эттириб, янги қувватларни ишга тушириш чора-тадбирларини белгилаб олдик. Ҳозир сезиларли ишларни амалга ошираяпмиз.

Изланувчан тадбиркор ўтган йили хорижнинг бир миллион 240 минг АҚШ доллари қийматидаги бир йўла икки минг тонна мева-сабзавотни сақлайдиган вакуумли замонавий совутгич ўрнатиш учун шартнома тузган эди. Мазкур лойиҳа амалга оширилиб, жорий мавсумдан мева-сабзавот маҳсулотларини қиш мавсуми учун сақлашга тахт қилиб қўйилди. Сервитамин маҳсулотларнинг асосий қисми қиш фаслида аҳолига арзон нархларда етказиб берилиб, маҳаллий бозорда нарх-наво асоссиз ошиб кетишининг олдини олишга кўмаклашади. Бир қисми эса Россия, Жанубий Корея ва Европанинг қатор давлатларига экспорт қилинади. Ўн гектар майдондаги интенсив олма боғи ҳосилга кирди. Шунингдек, бир гектар майдонда хорижнинг юк ташиш автомашиналари учун замонавий кемпинг қурилиши бошланди. Олтмиш ўринга мўлжалланган тўрт юлдузли муҳташам меҳмонхонага дастлабки пойдевор қўйилди.

Юрт ободлиги ва аҳоли фаровонлиги йўлида дадил одим ташлаётган хусусий корхона ишчилари «Обод турмуш йили»нинг ўтган даврида ярим миллиард сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарди, мижозларга умумий овқатланиш хизмати кўрсатди. Бундай хайрли йўлда изланувчан ва фидойи тадбиркорга омад тилаймиз.

## Эълон

**ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!**
**«ARSH SAVDO-ELIT» МЧЖ**
**ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**«Андижоннефть» ОАЖнинг ижроия органи аъзоларининг 07.01.2013 йилдаги йиғилиш баёнига ва «Андижоннефть» ОАЖ бошқарув раисининг 06.06.2013 йилдаги 16-896-сонли алоқа хатига асосан Андижон вилояти, Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 97-уйда жойлашган «Андижоннефть» ОАЖга қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қайта аукцион савдоларига қўйилмоқда:**

— **1982** йилда ишлаб чиқарилган «ЗиЛ-**131**» русумли, давлат белгиси **50973** DAA бўлган махсус юк автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси **5926 345** (беш миллион тўққиз юз йигирма олти минг уч юз қирқ беш) сўм;
— **1988** йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ-**53**» русумли, давлат белгиси **40467** ВАА бўлган махсус автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси **6942 217** (олти миллион тўққиз юз кирқ икки минг икки юз ўн етти) сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 28 июнь куни соат 11.00 да, ушбу кунда аукцион савдоси бўлиб ўтмади, деб эътироф этилган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2013 йил 1,4,8,10,12 июль кунлари соат 11.00 да Андижон шаҳар, А.Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 107-хонада бўлиб ўтади.
Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиз миқдоридаги гаров пулини ТИФ «Миллий банк» Андижон шаҳар бўлимининг 20208000904456131001 ҳисоб рақамига МФО:00074, ИНН:205987298 тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) ва аукцион савдоси ўтказилишидан 1 (бир) соат олдин 10.00 га қадар Андижон шаҳар, А.Навоий щоҳ кўчаси, 30-уй, 107-хонада қабул қилинади.
Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар жамият Низоми ва таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, белгиланган тартибда берилган ишончнома тақдим қилиши лозим.

**Қўшимча маълумот учун манзил ва телефон:**
**«ARSH SAVDO-ELIT» МЧЖ Андижон шаҳар, А.Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 107-хона.**
**Тел: +99891 606-88-81, +99890 269-88-81,**
*Хизматлар лицензияланган. Гувоҳнома № 00126*

**ЖИЗЗАХ**



Янгиобод туманидаги Ховос қишлоқ фуқаролар йиғинида ташкил этилган бошланғич партия ташкилотида «Миллий ўзликни англаш ва ёшларни огоҳликка даъват этиш», шунингдек, «Баркамол авлодни шакллантиришда ўрта махсус таълимнинг аҳамияти ва зарурати» мавзуларида семинар ташкил этилди. Унда Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асари бу борада дастуриламал бўлаётгани, уни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

**НАВОИЙ**



O`zLiDeP шаҳар кенгашидаги бошланғич ташкилотда ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлиқ қонун ва қарорларнинг жойлардаги ижроси муҳокама этилиб, асосий эътибор соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларга қаратилди. Таъкидланганидек, ислоҳотларни чуқурлаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қуйи бўғинлар зиммасига катта масъулият юклатилган. Тадбирда БПТ аъзоларининг сиёсий фаоллигини ошириш билан боғлиқ амалий таклифлар ҳам муҳокама қилинди.

**САМАРҚАНД**



«Оилавий бизнесни ривожлантириш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзуидаги давра суҳбатида Пастдарғом туманидаги «Бека-Чарос» хусусий корхонасида иш олиб бораётган бошланғич ташкилот аъзолари ҳудудда кичик бизнес ҳамда оилавий тадбиркорлик имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш, мулкдорларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, маҳаллалар, аҳоли яшаш жойларида қўшимча иш ўринларини барпо этиш масалаларини кўриб чиқдилар.

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2013 йил 13 июнь, пайшанба, 24 (500)-сон

web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

**O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.

**«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари ҳамда бошқа молиявий институтлар томонидан қўллаб-қувватлаш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари, миллий ва хорижий тажриба» — Савдо-саноат палатасининг Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар бўлими «Ахборот-маслаҳат маркази»да фаолият олиб бораётган бошланғич ташкилотда бўлиб ўтган давра суҳбати ана шундай номланди. Унда иқтисодиётимизнинг қон томирига айланган банк тизимига нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан «барқарор» рейтинг даражаси берилаётгани, бундай баҳога сазовор бўлаётган банкларимиз сони ортиб бораётгани тўғрисида ҳам атрофлича маълумотлар берилди.**

**Давра суҳбатида тижорат банклари томонидан бошловчи тадбиркорларга микрокредитлар ажратиш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш, жойларда замонавий технологияларни жорий этиш, мавжуд бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, янгиларини қуриш масалалари юзасидан таклиф билдирилди.**

СИРДАРЁ.

**Гулистон шаҳрининг «Тараққиёт» маҳалласида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тўғри ташкил этиш ва юритиш» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.**

**Маҳалла фаоллари, тадбиркорлар ва коллеж битирувчилари иштирок этган тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини кенгроқ жалб этиш, уларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлашда партиявий лойиҳаларнинг ўрни хусусида сўз юритилди.**

**— Бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳолининг барқарор даромад манбаи асосига айланмоқда. Айниқса, маҳаллаларимиз обод, оилаларимиз фаровон бўлишида ушбу соҳанинг аҳамияти жуда катта, — деди «Тараққиёт» маҳалласи фаоли, тадбиркор Назира Дувлаева.**

ЖИЗЗАХ.

**O`zLiDeP вилоят кенгашида «Гаров реестри тўғрисида»ги қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, банклар, лизинг ҳамда суғурта компаниялари вакиллари, шунингдек, тадбиркор ва фермерлар иштирок этган тадбирда янги қонун кучга киргач, кичик бизнес субъектларининг кредит олиш имкониятлари янада кенгайиши таъкидланди.**

**Йиғилишда қайд этилганидек, янги қонун кредит олиш жараёнида томонларнинг мол-мулкни қайта гаровга қўйиш, унинг қийматини ошириб кўрсатиш билан боғлиқ таваккалчиликларни ҳам бартараф этишга хизмат қилади.**

**Амалий мулоқот давомида мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ҳам билдирилди.**

# Сон эмас, сифат муҳим

## O`ZLIDEP ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАИСИ ҒОФУР ЖУМАНИЁЗОВ «XXI ASR» МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

**— Маълумки, ҳудудий ташкилотлар фаолиятини замон талаблари даражасида ривожлантириш, БПТлар ишини кучайтириш, малакали кадрлар захирасини тайёрлашга фақат тизимли тадбирлар орқалигина эришилади. Айтингчи, вилоят кенгашида бу борада қандай ишлар олиб борилаяпти?**

— Айни пайтда вилоятимизда 10107 нафар партия аъзоси бўлиб, улар 715 та бошланғич ташкилотга бирлашган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Шуни мамнуният билан қайд этиш мумкинки, партия аъзоларининг 4993 нафарини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритаётганлар ташкил этаяпти. Улар орасида 1680 нафар фермер бор. Партия аъзоларининг 3763 нафари эса аёллардир. Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қаратмоқчиман: агар сафдошларимиз сони Урганч шаҳрида 834 нафарни, Хива туманида 872, Хазорасп туманида 735, Хонқада 723 нафарни ташкил этаётган бўлса, ҳудуди ва аҳолиси у қадар катта бўлмаган Янгибозор туманида O`zLiDePнинг 1480 нафар аъзоси бор. Бу айрим туманлардаги аъзолар сонидан икки бараварга кўп, деганидир. Баъзилар ҳудудда аъзолар сонига алоҳида эътибор қаратилаётгандирда, дейишлари мумкин. Аммо бу сон кетидан қувиш эмас, аксинча, тизимли ишлар олиб борилгани ва тарғибот-ташвиқот натижасидир. Ўтган йилнинг 1 апрель ҳолатига солиштирганда жами аъзоларимиз 169 нафарга, бошланғич ташкилотлар сони 3 тага ошгани ҳам Янгибозор тажрибасидан аксарият туманлар ўрнак олаётганидандир.

**— Бошланғич ташкилотлар ишини кучайтиришга ҳисобот-сайлов йиғилишларидан кейин эътибор янада ошди. Натижаларни қониқарли, дейиш мумкинми?**

— Ҳақиқатан ҳам, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2012 йил 29 март ва 21 июндаги фармойишлари ҳамда Хоразм вилоят кенгаши Ижроия қўмитасининг 2012 йил 13 июлдаги қарори асосида «O`zLiDeP бошланғич партия ташкилотларининг ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида тутган ўрни ва вазифалари» мавзуида барча туман, шаҳар кенгашларида маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамда БПТ раислари учун махсус ўқув-семинарлари ўтказилди. 2012 йилнинг 3 августида эса Қўшкўпир туманида «O`zLiDePнинг партия қурилиши соҳасидаги навбатдаги долзарб вазифалари» мавзуида ўқувлар ташкил этилди. Булар, шубҳасиз, қуйи бўғинлар ишини йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этди. Лекин ҳозирча кутилган ижобий натижаларга эришдик, десак хато бўлади. Ҳар бир партия фаоли, айниқса, қуйи бўғин аъзоси ўз зиммасидаги масъулиятни тўла ҳис этиб, сайловлар арафасида партиянинг ғоя ва мақсадини қўллаб-қувватлаганларга берилган ваъдалар ижросини таъминлашга ҳисса қўшмас экан, режадаги ишларимиз самарасиз қолаверади. Яъни қуйи бўғинлар изчил такомиллаштирилиши, юқори партия ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланиши керак. Ҳисобот-сайловлар даврида 60 та БПТга янги етакчи сайлангани замирида ҳам аслида шундай мақсад мужассамдир.



**— O`zLiDePнинг ғоя ва мақсадларини тарғиб этишда ёшлар ва аёллар иштироки ҳақида қандай фикрдасиз?**

— Энг аввало, ёшлар ва аёлларга оид давлат сиёсатини O`zLiDeP тўла қўллаб-қувватлашини, бунда партия электорати имкониятларидан унумли фойдаланиб, янги иш ўринлари яратиш, ёшлар ва аёлларни тадбиркорликка жалб этишга Хоразмда ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим. Айни пайтда вилоятимизда жами 1 млн. 654 минг аҳоли бўлса, уларнинг 67,9 фоизини ёшлар, 49,8 фоизини эса аёллар ташкил этаяпти. Бу, шубҳасиз, аёллар ва ёшлар масаласи доимий эътиборда бўлиши лозимлигини кўрсатади. Партиявий лойиҳалар ҳам асосан ёшлар ва аёлларга бағишланганини кўриш мумкин. Мисол учун, Тошкент Тиббиёт академияси Урганч филиалида ўтказилган «Истиқлол — тарихнинг ишончли манбаи» мавзусидаги давра суҳбати Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарини ёшлар орасида янада кенгроқ тарғиб қилишга, Қўшкўпир, Хива туманларида уюштирилган «Оилавий тадбиркорлик — давр талаби» мавзусидаги мулоқотлар эса ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилди. «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мазмун-моҳиятини хотин-қизлар орасида кенг тарғиб этиш мақсадида «Диплом билан — бизнесга», «Агар мен депутат бўлсам...», «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» сингари партиявий лойиҳалар доирасида ҳам асосан ёшлар ва аёлларга эътибор кучайтирилаяпти. Бунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари, вилоятдаги етакчи олимларимизнинг амалий ёрдамига таянаяпмиз.

Шундай тадбирлардан яна бири Хазорасп туман кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан ташкил этилди. «Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришда O`zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг ўрни ва роли» мавзуидаги давра суҳбатида турли соҳа вакиллари, тадбиркорлар, талабалар, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари иштирок этдилар. Бир сўз билан айтганда, либерал-демократик ғояларни тарғиб этишга хизмат қилаётган бундай тадбирларда аёлларнинг ҳам, ёшларнинг ҳам фаоллиги яққол сезилиб турибди.

**— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, шубҳасиз, партиянинг асосий электорати бўлган қишлоқ мулкдорлари учун қўшимча имкониятлар яратади. Ана шу муҳим ҳужжат ижросини таъминлашда партия фаоллари қандай иш олиб бораяптилар?**

— Ушбу фармон ижросини таъминлаш биз учун муҳим йўналиш, албатта. Шунинг учун ҳам Фермерлар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Хоразм ҳудудий бўлинмаси сингари нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда турли семинар-тренинглар ташкил этдик.

Бу жараёнда асосий эътибор қишлоқ мулкдорлари фаолиятини ривожлантириш, уларга халақит бераётган ҳаётий масалаларни ҳал этишга қаратилаяпти. Айни пайтда вилоятда 4672 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётганини инобатга олсак, бу соҳага эътибор янада кучайтирилишини англаб етамиз. Зеро, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш фармон ижроси таъминланишининг асосий жиҳатидир. Шунинг учун ҳам барча тадбирларимизда қишлоқ мулкдорларининг таклиф ва тавсиялари жамланиб, O`zLiDeP фракцияси аъзоларига етказилмоқда.

**Суҳбатдош: Янгибой КЎЧҚОРОВ.**

### ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ «ЎЗАГИ»



O`zLiDeP Поп туман кенгаши ташаббуси билан «Поплик Чорвадор Эргашали» фермер хўжалигида ташкил этилган бошланғич ташкилотда «Фермерлик: устувор вазифалар, ёндашув, муаммо ва ечимлар» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

Анжуманда фермерликнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли, энг чекка ҳудудларда ҳам саноатнинг турли тармоқларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Айниқса, озиқ-овқат хавфсизлиги долзарб бўлиб бораётган бир пайтда фермер хўжаликларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаб ошаётгани тилга олинди.

БПТ етакчиси Сарвар Қирғизбоевнинг қайд этишича, мамлакатимизда фермерликнинг тез ривожланаётганида Президент фармонлари ва қарорлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинаётган қонунлар муҳим омил бўлмоқда.

— Фермер хўжаликларимизда ташкил этилган бошланғич ташкилот орқали O`zLiDeP ғояларини тарғиб этиш билан бирга, хўжалик зиммасидаги вазифаларни ҳам бекаму кўст бажаришга эришаяпмиз, — дейди С.Қирғизбоев. — Бу борада туман Фермерлар кенгаши билан ҳамкорлигимиз яхши самара бермоқда.

Тадбирда, шунингдек, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун асосида тадбиркорликни ривожлантиришда қуйи бўғинларнинг фаоллигини ошириш, юқори ташкилотлар билан мунтазам алоқани мустаҳкамлаш зарурлиги ҳам таъкидланди.

**Аҳроржон МУСУРМОНОВ.**







# Партия аъзолари «Наврўз»ни кўтаришаяпти

## БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ЕТАКЧИСИ ТАДБИРКОР, ИЗЛАНУВЧАН ВА ТАШАББУСКОР БЎЛСА, ПАРТИЯ САФИ СИЁСИЙ ЖИҲАТДАН ФАОЛ АЪЗОЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНАДИ

**Фарҳод ТОШБОЕВ,**
«XXI asr»

Термиз шаҳридаги «Наврўз» кўп тармоқли хусусий корхонасида ўттиздан ортиқ киши меҳнат қилса, уларнинг 24 нафари корхонада ташкил этилган бошланғич ташкилот атрофига уюшган.

— Ҳар бир партиянинг жойлардаги асосий таянчи ва тарғиботчиси БПТдир, — дейди корхона бошлиғи, БПТ етакчиси Илҳом Кенжабоев. — Маълумки, O`zLiDeP дастурида партия хусусий сектор вакилларининг кенг қамровли фаолият юритиши учун имкониятлар яратиш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялашни устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олган. Корхонамизда ташкил этилган БПТ орқали ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратиш ва фаолиятимизни янада кенгайтириш орқали ҳудудий дастурларнинг ижросига ўз ҳиссамизни қўшишни мақсад қилганмиз. Бу борада O`zLiDeP Термиз шаҳар кенгаши билан узвий алоқа ўрнатиб, партиявий фаолиятни жонлантириш юзасидан амалий таклифлар бераяпмиз.

O`zLiDeP Термиз шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Гулноза Бобоқулованинг таъкидлашича, корхонадаги БПТ аъзолари «Тадбиркорлар мулоқот форуми» доирасидаги тадбирларда фаол иштирок этмоқдалар. Хусусан, ўтган йили қабул қилинган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Тадбиркорлик соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунларнинг лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнида ҳам БПТ аъзоларининг 10 га яқин асосли таклифлари O`zLiDeP фракциясига етказилди.

— Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти учун етарлича шароит яратилгани зиммамизга аҳолининг ҳаёт даражасини яхшилаш, уларнинг обод турмуш кечиришини таъминлашдек масъулиятли вазифаларни юклайди, — дейди И.Кенжабоев. — Корхонамиз жамоаси ҳам хусусий сектор учун яратиб берилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, хорижнинг пайпоқ ишлаб чиқариш ускуналари ёрдамида арзон ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштираяпти. Бу эса 10 дан ортиқ ёшлар ва коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, «Наврўз» кўп тармоқли хусусий корхонасида фаолият олиб бораётган қуйи бўғин аъзолари жамоанинг иқтисодий, сиёсий билимларини ошириш, юртимиз тараққиётининг стратегик истиқболларини мустаҳкамлашни ўзларининг бош мақсадларига айлантиришган.

web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

# Qishloq Qurilish Bank

# Ислоҳотлар йўлидаги ишончли ҳамкор

**МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР, ЭНГ АВВАЛО, ИНСОН, УНИНГ МАНФААТИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛАЁТГАНИ ҚЎЛГА КИРИТИЛГАН НАТИЖАЛАРДА ҲАМ ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛАЯПТИ**

Мазкур жараёнда иқтисодиётимиз таянчи бўлган банк тизими фаол иштирок этмоқда. Буни миллий молия бозоридаги нуфузли банк — «Қишлоқ қурилиш банк» фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жорий йилнинг ўтган даврида ҳам мазкур муассаса томонидан ҳукуматимизнинг қатор ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалиётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, банк ўз активларини ошириш борасида ҳисобот даврида қатъий депозит сиёсатини юритди. 2013 йилнинг 5 ойида банкнинг умумий ресурс базаси ҳажми 1 716,7 млрд. сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич йил бошига нисбатан 26,1 фоизга ўсди. Шунингдек, соф активлар ҳажми 2 021,3 млрд. сўмни ташкил этди ва йил бошига нисбатан ушбу кўрсаткичнинг 23,3 фоизга ёки 382,8 млрд. сўмга ўсиши таъминланди.



### КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИДА ҚАНДАЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛМОҚДА?

Банкнинг капиталлашув даражаси ва депозитлар ҳажмининг ўсиши актив операциялар ҳажмини ошириш, хусусан, кредитлаш имкониятларини янада кенгайтиришга мустаҳкам замин яратаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Банк «Кредит сиёсати» талабларидан келиб чиқиб, банк фаолиятининг асосий даромад манбаи ҳисобланган банк активлари ҳажми, таркиби ва даромадлилигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда йирик корпоратив мижозлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш яхши натижалар бериб, банкнинг кредит қўйилмалари ҳажми йил бошига нисбатан 117,1 фоизга ёки 242,5 млрд. сўмга ошиб, жорий йил 1 июнь ҳолатига 1 660,6 млрд. сўмни ташкил этди.

Ҳисобот даврида банк томонидан иқтисодиётга йўналтирилган кредитлар ҳажмини ошириш ва банкнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини янада кенгайтириш борасида олиб борилган ишлар натижасида 2013 йил давомида жами ажратилган кредитлар миқдори 437,8 млрд. сўмни ташкил этди. Банк томонидан барча манбалар ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳисобига 3022 та иш ўрни яратилди.

Банк жами кредит қўйилмаларининг 123,1 млрд. сўми ёки 7,4 фоизи саноат, 101,1 млрд. сўми ёки 6 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 85,6 млрд. сўми ёки 5,1 фоизи қурилиш ва транспорт, 54,9 млрд. сўми ёки 3,3 фоизи қишлоқ хўжалиги тармоқларига йўналтирилган бўлса, 1197,9 млрд. сўми имтиёзли ипотека кредитларига ва 98 млрд. сўми иқтисодиётнинг бошқа соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Мижозларга ажратилган кредитларнинг муддати нуқтаи назаридан қаралганда, ўтган ҳисобот йили якунларига кўра жами кредит қўйилмасининг 92,1 фоизи ёки 1 305,9 млрд. сўми узоқ муддатли кредитлар ва 112,2 млрд. сўми ёки 7,9 фоизи қисқа муддатли кредитлардан иборат бўлди.

### ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

Жорий йилда белгиланган вазифаларни бекаму куст бажариш, молиявий ресурслар ёрдамида истиқболли лойиҳаларни ўз вақтида қўллаб-қувватлаш ҳам банк жамоасининг эзгу шиорига айланган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти моддий жиҳатдан рағбатлантирилиб, улар учун сифатли банк хизматлари таклиф этилмоқда.

Юртимизда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Республика Савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази тижорат банклари билан биргаликда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида «Менинг бизнес ғоям» танловини ташкил этилгани кўпчиликка яхши маълум. Айни пайтда ушбу танловнинг вилоят босқичлари ниҳоясига етмоқда. Унинг ғолиблари ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни қўлга киритадилар. Бу ҳам бўлса, ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан далолатдир.

Шунингдек, ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан хизмат кўрсатиладиган кичик бизнес субъектлари ва коллеж битирувчилари ўртасида «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа» ҳамда «Энг яхши ёш тадбиркор» номинациялари бўйича кўрик-танлов ўтказилиб, унинг ғолиблари 11-12 апрель кунлари бўлиб ўтган «Bank Expo-2013» кўргазмаси жараёнида имтиёзли шартлар асосида кредитлар ажратиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорига сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш, асосан қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш мақсадида қарийиб 27,2 млрд. сўмлик кредит маблағи ажратилди.

Шунингдек, Президентимизнинг «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ҳам фаол иш олиб борилмоқда. Хусусан, тайёр ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги, маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида банк томонидан 2013 йилнинг ўтган даврида ажратилган кредитлар ҳажми 37,8 млрд. сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг 1 июнь ҳолатига 14,2 млрд. сўмга ортди.

Банк филиаллари томонидан 2013 йилнинг 5 ойи давомида аҳолининг фаол қисмига ўз бизнесини ташкил этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ажратилган микрокредитлар миқдори 42,2 млрд. сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг 1 июнь ҳолатига нисбатан 15,6 млрд. сўмга ошган.

Ўтган давр давомида кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига 54,9 млрд. сўмга ортиб, 2013 йил 1 июнь ҳолатига 155 млрд. сўмни ташкил этди.

Сирасини айтганда, ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» халқимиз фаровон яшаши учун муносиб турмуш шароитини яратиш, мижозлар талабини қондириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлида янги имкониятларни яратишни ўз олдига мақсад қилиб олган. Бу эса банкнинг юртимиз молия-банк тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг фаол ижрочиси сифатида эътироф этилишига хизмат қилаяпти.

**Банк матбуот хизмати материаллари асосида Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.**

**2013 ЙИЛНИНГ 5 ОЙИ ДАВОМИДА АҲОЛИНИНГ ФАОЛ ҚИСМИГА ЎЗ БИЗНЕСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ МАҚСАДИДА АЖРАТИЛГАН МИКРОКРЕДИТЛАР МИҚДОРИ 42,2 МЛРД. СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТДИ.**

## Реклама

**«COLLEGIAL PROTECT»**

**ўз хизматини таклиф этади**

Ҳурматли тадбиркор ва фермерлар!
Тошкент шаҳридаги «COLLEGIAL PROTECT» адвокатлик фирмаси мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйича келишилган нархларда ўз хизматини таклиф этади.
Яъни фирма томонидан тадбиркор ва фермерларга зарур юридик ёрдам кўрсатилиши таъминланади. Бу эса соҳа равнақи ва қонунийлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эгадир.

**Мурожаат учун телефонлар:**
**8(371) 269-00-40,**
**(+99890) 982-41-68, (+99893) 502-62-99.**

Хизматлар лицензияланган!

## Мулоҳаза

# Санъатми ёки саноат?

**ҚЎШИҚ... УНИ СЕВМАЙДИГАН, ТИНГЛАМАЙДИГАН, АҚАЛЛИ ХИРГОЙИ ҚИЛМАЙДИГАН КИШИ ТОПИЛМАСА КЕРАК. ЗЕРО, ҚЎШИҚ ДИЛЛАРГА ОРОМ, ХАСТА КЎНГИЛЛАРГА МАЛҲАМ, СОҒИНГАН ЮРАКЛАРГА ТАСКИН, ТЎЮ ТАНТАНАЛАРГА ФАЙЗ БАХШ ЭТАДИГАН, ҚУДРАТЛИ МАЪНАВИЙ ВОСИТАДИР**

**Зумрад АБРОРОВА,**
«XXI asr»

Одамлар қадимдан дилидаги шодлигу қайғуларини ижро санъати орқали ифода этиб келишган. Шундай қўшиқлар борки, уларни тинглаб, ҳаётнинг нақадар гўзаллиги, инсон умрининг бетакрорлигига яна бир бор амин бўласиз. Ҳаётнинг мафтункор қирраларини англайсиз. Ҳар тонг телеэкран орқали янграйдиган «Ўзбекистон» қўшиғини тинглаган киши Ватанимизнинг нақадар бепоён, такрорланмас манзарасини, беҳисоб бойликлари-ю тарихий обидаларини кўз олдида жонлантириб, кўнгли завққа тўлади. «Мунажот»ни эшитиб хаёлан мозийга саёҳат қилади, улуғ ўтмишимиз, буюк аждодларимиз руҳини ёд этади. Ҳар сафар шундай қўшиқларни тинглаганда уларнинг ижрочилари, бастакорлари, шеър муаллифларининг нақадар нозик диди ва юксак истеъдодини яна бир бор эътироф этгинг келади. Бу қўшиқлар аллақачон халқнинг кўнгил мулкига айланиб улгурган. Миллат бор экан, улар яшайди.

Афсуски, ҳамма қўшиқлар ҳақида ҳам бундай деб бўлмайди. Бугун қўшиқ ҳам, қўшиқчи ҳам, шоиру бастакор ҳам бисёр. Ҳар куни телерадиодан янграётган куй-қўшиқларни санаб адоғига етолмайсиз. Баъзи қўшиқчилар эса ўзларича аллақачон «машҳур юлдуз»га айланиб улгуришган. Уларнинг мухлисларини ҳам қўяверасиз. Бизни ташвишга солаётган нарса бошқа. Айрим ижрочилар учун санъат мўмай даромад манбаига айланиб бораётганлиги ғоят ачинарлидир. Зеро, тингловчига тақдим этилаётган айрим қўшиқлар савиясининг пастлиги етмаганидек, хонанданинг миллий менталитетимизга ёт бўлган хатти-ҳаракатлари кишини ўйга толдиради.

**ТИНГЛОВЧИГА ТАҚДИМ ЭТИЛАЁТГАН АЙРИМ ҚЎШИҚЛАР САВИЯСИНИНГ ПАСТЛИГИ ЕТМАГАНИДЕК, ХОНАНДАНИНГ МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТИМИЗГА ЁТ БЎЛГАН ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ ҲАМ КИШИНИ ЎЙГА ТОЛДИРАДИ.**

Халқимиз азалдан ўз шаъни, орият ва ғururини ҳамма нарсадан юқори қўйиб келган. Ҳозир ҳам шундай. Аммо бугун миллий эстрадамизда шундай қўшиқлар пайдо бўлаяптики, уларни тинглаб, энсангиз қотади. Яқинда телеэкраннинг тижорат дастурларида бир қўшиқ узоқ вақт қўйилди. Адашмасам, унинг нақорати «Меники бўлманг, меники бўлманг. Майли-да фақат меники бўлманг. Сизни бир кўрсам, етади менга. Майлига сиз менинг ёнимда қолманг», эди. Қўшиққа ишланган клип ҳам ажабтовур. Яъни оиласидан яширинча иккинчи бир аёлнинг олдига келиб-кетиб турадиган бадавлат бир йигитни тасаввур қилинг. Шу ҳам одоб доирасига тўғри келадими? Ҳақиқатдан йироқ бўлган туйғусиз, ҳаяжонсиз ижро кимга ва нима учун керак? Бу ҳақда турли давраларда кўп гапирилаяпти, лекин фойдаси бўлмаяпти. Хонандаларимиз кечирсинлару, улардан бирининг «Диги-диги-диги, ёқади ёрнинг билакузуги», деган жумланинг саноқсиз такрорланиши ғалати ҳолдир. Очиғи, «диги-диги»нинг маъносини англамадим. Битта билакузукнинг таърифи шунчалик ҳамду санога айланган бўлса, сознинг сеҳри қаерда қолади? Фаррух Комилов ижросидаги яна бир қўшиқ «Ростин айтгин», деб номланади. У шундай бошланади: «Ростин айтгин, нега мени ўзингга этдинг маҳлиё, ростин айтгин, нега тинмай у ён буён ўтдинг гўё». Бу каби маъносиз мисраларни ўқиб, энсангиз қотиши турган гап. «Дурдона» гуруҳининг «Айт, юрак» қўшиғи ҳам «Айланар юрак ҳар томонда, менинг бахтим фақат сен томонда. Мен севаман, биламан, мени сен ҳам севасан» каби жумлалар такроридан иборат. Қўшиққа ишланган клип кутубхонада олинган бўлиб, унинг матнига мутлақо мос келмайди.

Яна бир мисол. Яқинда Зоҳида Умарова исмли хонанданинг «Ҳижрон» деб номланган қўшиғи телеэкранларимиз орқали ижро этилди. Ҳижрон ўз номи билан ҳижрон. Аммо қўшиққа ёзилган мусиқа тамоман тескаридир. Баъзан қўшиқ матни ҳам, мусиқаси ҳам, ижрочиси ҳам бир киши бўлиб чиқади. Бу ҳам майли. Тақдим этилаётган клипларнинг кўпчилиги ҳашаматли иморатлару энг сўнгги русумдаги автомобиллар намойишига айланиб бормоқда. Энди ана шундай қўшиқларнинг асосий тингловчиси бўлган ёшларимизнинг ҳолатини бир тасаввур қилиб кўринг. Улар ҳам «шоҳона» ҳаётни орзу қилиб, севги-муҳаббатни арзон-гаровга сотиб олиш мумкин эканда, деган хаёлга бормасликларига ким кафолат бера олади? Ёки «шоу бизнес» деганлари шуми? Биз юқоридаги хатти-ҳаракатларимиз билан санъатни «саноат»га айлантириб қўймаяпмизми?

Жаннатмакон юртимизнинг қадимий ва мафтункор гўшаларидан бири — Сармишсой дарасида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказилган анъанавий «Асрлар садоси-2013» фестивалида таниқли хонанда Ҳосила Раҳимова ижро этган «Ватаним» қўшиғини тинглаб, ҳаяжондан қалбим жунбушга келди. Бетакрор табиат манзараси, халқимиз қалбидай беғубор, уфққа туташ кенгликлар, осмонўпар тоғларимизу асрлар тарихидан сўзловчи қир-адирларимизнинг нақадар қадрли эканини юрак-юракдан ҳис этдим. Чунки қўшиқ матни, мусиқаси, ижро маҳорати, ҳароратли овоз, барча-барчаси тадбир мазмунига жуда мутаносиб эди.

Санъат — умумхалқ мулки. Шундай экан, унга юзаки қарашга асло ҳаққимиз йўқ. Кимки қўшиқчилик санъатини мўмай даромад манбаига айлантираман, деб ўйласа, қаттиқ янглишади. Зеро, сўзга эътибор — элга эътибор, демакдир.

## Тадбиркорлик



### ХОМ АШЁ ҲАМ, ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ҲАМ ЎЗИМИЗНИКИ

**«Субҳи зари Бухоро» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган пайпоқлар нафақат Бухоро, балки қўшни вилоятларда ҳам харидоргир саналмоқда. Шу ўринда МЧЖга ТИФ «Миллий банк»нинг вилоят бўлими томонидан ажратилган 250 миллион сўмлик имтиёзли кредити эвазига Хитойдан келтирилган замонавий дастгоҳлар муваффақият омили бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.**
**Хом ашёни асосан «Бухоро ДЭУ текстиль» қўшма корхонасидан олаётган МЧЖ айни пайтда бир сменада минг жуфтгача 20 турдаги пайпоқ ишлаб чиқармоқда.**
**Изланувчан тадбиркор Ҳалим Нажмиддинов етакчилигидаги корхонага «Субҳи зари Бухоро» дея ном берилгани ҳам бежиз эмас. Чунки энг покиза туйғу ва орзу-умидлар кўпинча эрта тонг — субҳидамда туғилади. Ана шу пайтда ҳар қандай инсонда астойдил меҳнат қилишга интилиш кучаяди. Бу эса, шубҳасиз, маҳсулотлар сифатида ҳам ўз аксини топаяпти.**

Асхор ИСТАМОВ.

# Саратон енгилиши кеРАК!



## ТАҲЛИЛЧИЛАР ДУНЁ БЎЙИЧА ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР ОҚИБАТИДА ҲАЁТДАН КЎЗ ЮМИШ ЖАМИ ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИНИНГ 13 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТАЁТГАНИНИ ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР

**Гулноза МУҲИДДИНОВА,**
«XXI asr»

Барчада бирдек қўрқув ҳиссини уйғотадиган, даволаниши қийин кечадиган касаллик — саратоннинг илк кўринишлари милоддан аввал тахминан 450 йилларда, жаҳон тиббиётининг асосчиси бўлмиш Гиппократ томонидан ўрганилган бўлиб, олимнинг «Карциноз» номли трактатида кўкрак бези саратонига таъриф келтирилгани тўғрисида маълумот бор. Айнан ана шу асарда илк бора қўлланилган «onkos» сўзи кейинчалик саратон касаллигини ўрганиш билан боғлиқ барча фанларнинг «онкология» деган умумий ном остида бирлашишига олиб келган. Эътиборлиси, у даврларда микроскоп ва шунга ўхшаш ускуналар бўлмагани боис, саратон ташхиси беморнинг аҳволини кузатаётган шифокорнинг тахминлари асосида қўйилган. Энг ёмони, бу касаллик шишларни куйдириш йўли билан даволангани учун одамлар ўзларида бундай ўзгаришлар борлигини сир тутишга ҳаракат қилганлар.

Саратонни жарроҳлик йўли билан даволашнинг илк усуллари дастлаб Қадимги Миср, Хитой ва Ҳиндистонда қўлланилган бўлса-да, XIX асрда микроскопнинг ихтиро қилиниши, қолаверса, жониворлар устида изчил тажрибалар ўтказилиши касалликни аниқ кузатиш имконини яратиши баробарида онкология фанининг ривожланишига ҳам замин яратди.

Шу ўринда мазкур касаллик, турли даврларда минглаб кишиларнинг ҳаётига зомин бўлганини, хусусан, Наполеон I, Венесуэла давлати раҳбари Уго Чавес, машҳур рус актёри Александр Абдулов, француз модельери Ив Сен Лоран, буюк бастакор Сергей Рахманинов, машҳур опера қўшиқчиси Лучано Паваротти, дунё тарихидаги энг номдор башоратчи — Ванга умрига зомин бўлганини ҳам айтиш мумкин.

Ўз навбатида, таҳлилчилар ҳозир барча ўлимларга сабаб бўлган касалликларнинг 13 фоизини ташкил этган онкологик потологиялар орасида ўпка, ошқозон, жигар, кўкрак бези ва йўғон ичак саратони кўп учраётгани, ана шу дарддан вафот этиш ҳолатлари асосан тиббиёти оқсаган давлатларда қайд этилаётганини таъкидламоқдалар.

Инсонда онкологик касалликларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини ўрганишда саратон эпидемиологияси устидан олиб борилган изланишлар катта аҳамиятга эга экани барчага аён. Зеро, сайёрамизда ушбу касалликнинг турли кўринишлари, ҳар хил тезликда ва ҳажмда ривожланиши маълум. Бундан ташқари кузатувлар давомида иқлимий, маиший ва касбий шароитларнинг ёмонлашуви онкологик ўсма ва шишларнинг пайдо бўлишига олиб келиши аниқланган. Масалан, XX асрнинг иккинчи ярмида Жанубий Европа мамлакатлари ва АҚШда ўпка саратони касаллиги шиддат билан ривожлангани ҳудудда атмосферанинг ифлосланиши ва чекувчилар сонининг ошиши билан изоҳланган. Озиқ-овқатларда оқсилнинг етишмаслиги ва ўткир ичак касалликларининг кенг тарқалиши эса Африка давлатларида жигар саратонининг «урчиш»ига олиб келган.

American Journal of Epidemiology нашрида ёзилишича, канадалик олимлар тунда меҳнат қилувчи инсонларда онкологик касалликларнинг ривожланиш хавфи 15 фоизга ортишини аниқлаганлар. Хусусан, тадқиқотда иштирок этган 3137 нафар кўнгиллининг 470 нафарида ана шу дарднинг дастлабки босқичлари намоён бўлгани қайд этилади.

Гарчи кўпчилик саратонни наслий касалликлар сирасига киритсада, тиббиёт ходимларининг фикрича, саратоннинг ўзи эмас, балки унинг ривожланишига монелик наслдан наслга ўтиши мумкин. Бундай наслий омиллар мавжудлиги эса генетик текширувлардан ўтиш йўли билангина аниқланади.

Таъкидлаш жоиз: онкологик касалликларнинг ривожланиш сабаблари, ҳаракатлантирувчи кучи тўлиқ аниқланмагани боис, шу кунгача ушбу дарднинг олдини олиш бўйича аниқ профилактик тизим кашф этилмаган. Шундай бўлса-да, кузатувлар давомида саратоннинг алоҳида бир тури ривожида айрим омиллар мавжудлигини айтиш мумкин. Масалан, чекувчилар орасида ўпка саратони кўп тарқалган бўлса, ёғли овқатлар истеъмоли колоректал, яъни тўғри ва йўғон ичак саратонининг келиб чиқишига олиб келади.

Шунинг учун ҳам тиббиёт ходимлари саратонга чалиниш хавфини пасайтириш учун барчага маълум бўлган умумий қоидаларга амал қилиш, яъни соғлом турмуш тарзига риоя этиш зарурлигини уқтираяптилар. Бинобарин, тамаки чекмаслик, жисмоний фаоллик, фойдали маҳсулотларни истеъмол қилиш, жигар саратонига қарши эмланиш, узоқ вақт давомида офтобда юрмаслик ҳамда солярийлардан фойдаланмаслик йўли билан 43 фоиз саратон касалликларининг олдини олиш мумкин.

Касалликни даволаш хусусида сўз юритилганда бу борада жарроҳлик, шунингдек, нур ва кимё терапия кенг қўлланилаётгани, қолаверса, кейинги йилларда онкоиммунология ва онкогенетика соҳаларида эришилган ютуқлар онкология фани ривожланишини янги босқичга олиб чиққани, мазкур касаллик устидан ғалаба қозониш илинжида бўлган олимлар янги вакциналар, саратоннинг генетик давоси турлари устида бош қотираётганини, жаҳон онкология институтлари кундан-кунга саратон касаллиги давосига доир янгиликларни эълон қилаётганларини алоҳида таъкидлаш лозим.

> **БУЮК БРИТАНИЯ ОЛИМЛАРИ САРАТОН ҲУЖАЙРАЛАРИ ТАРКИБИДА ДОРИ ТАЪСИР ҚИЛА БОШЛАШИДАН АВВАЛ УНИ ЧИҚАРИБ ТАШЛАЙДИГАН МОЛЕКУЛАНИ КАШФ ЭТГАНЛАР.**

Масалан, исроиллик тадқиқотчи олим Соломон Вассер ҳамкасблари билан бирга линчжи қўзиқоринида саратоннинг баъзи турларини қўзғатувчи NF-KappaB оқсилининг фаоллигини туширувчи моддалар борлигини аниқлади. Олимнинг таъкидлашича, мазкур моддалардан кўкрак бези ва простата саратонини даволашда самарали фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, Вассернинг маълум қилишича, нурли ва кимёвий терапиялардан фарқли ўлароқ, қўзиқоринлардан тайёрланган дори воситалари инсон организмига зарар етказмайди.

Миссури (АҚШ) университетида фаолият олиб бораётган олимлар эса инсон организмида саратон ҳужайраларини топиб, уларнинг ичига сингиб кетадиган радиоактив наноҳужайраларни кашф этдилар. Мазкур наноҳужайралар саратон ўчоғи — метастазаларни кучсизлантириб, уларнинг йўқ бўлиб кетишини таъминлайди. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур тадқиқотлар саратонни кечки босқичларда ҳам даволаш имконини беради. Бундан ташқари, мазкур ихтиро ривожланаётган саратон касаллигини даволашнинг янгича услубларини топишга ҳам хизмат қилади.

Саратон давосининг яна бир тури Германиянинг Макс Планк институти ходимлари томонидан кашф этилди. Онкологик ўсимталарни ионланган газ, яъни совуқ плазма ёрдамида бартараф этишни ўйлаб топган тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, улар томонидан тақдим этилаётган восита саратонга қарши қабул қилинган дориларнинг самарасини бир неча бор ошириб, зарарланган ҳужайраларнинг ривожланишини тўхтатиш хусусиятига эга.

Яқинда эса Буюк Британия олимлари оламшумул ихтиро остонасида турганликларини эълон қилдилар. Маълум бўлишича, улар олиб борган тадқиқотлар давомида саратон ҳужайраларининг кўпгина дори воситаларига қарши бўлган иммунитетини синдириш механизми ихтиро қилинган. Бошқача айтганда, британияликлар саратон ҳужайралари таркибида дори таъсир қила бошлашидан аввал уни чиқариб ташлайдиган молекулани кашф этганлар. Айни пайтда мазкур молекуланинг тузилишини таҳлил этаётган олимлар уни кучсизлантирувчи воситани излаш билан бандлар. Агар изланишлар самара берса, минглаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш имконияти яратилган бўларди, албатта.

Нима бўлганда ҳам, тиббиёт ходимларининг айтишича, саратоннинг илк босқичларида даволана бошлаган беморларнинг 75-95 фоизи ушбу дарддан тўлиқ фориғ бўлиш имкониятига эга. Мисол учун, АҚШ собиқ президенти Билл Клинтон, америкалик давлат арбоби Колин Пауэлл, шунингдек, Майкл Дуглас, Роберт де Ниро, Элизабет Тейлор каби машҳур актёрлар саратонни енгишга муваффақ бўлган бахтли инсонлардир.

Умуман олганда, жаҳон ҳамжамияти кейинги йилларда мазкур касалликка қарши курашга алоҳида эътибор қаратиб, бу борада қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир инсон ўз саломатлигига, энг аввало, ўзи масъулдир. Шундай экан, соғлом турмуш кечиришга, атрофдагилар ва ўзимизга нисбатан чидамлироқ бўлишга, ҳар бир кунимиз, дақиқамизни яхши ниятлар ва амаллар билан ўтказишга ҳаракат қилайлик.

## Воқеалар, далиллар, шарҳлар

### ИСРОИЛНИНГ БОШ ОҒРИҒИ — МУҲОЖИРЛАР



**Исроил ҳукумати Африканинг Судан ва Эритрея давлатларидан ноқонуний келган муҳожирларни ватанларига қайтариш ҳақида қарор қабул қилди. Бу эса Эритрея фуқароларидан ташкил топган ташаббускор гуруҳнинг Қуддус шаҳри кўчаларида норозилик намойишларини уюштиришларига сабаб бўлди. Ўзларига қочоқ мақомининг берилишини талаб қилган муҳожирлар «Депортация — ўлим» деган ёзувлар билан ўзларига эътибор қаратишга ҳаракат қилганлар. Шу ўринда Исроил ҳукумати муҳожирларни қабул қилувчи томонга ҳар бир кишининг депортацияси учун 8 минг АҚШ доллари тўлашга тайёрлигини ҳам маълум қилмоқда.**

**Хабарларда бугунги кунда Исроилда 70 мингдан зиёд ноқонуний муҳожир бўлиб, ҳукумат уларни кўчириш учун тўртта давлат билан музокаралар олиб бораётгани таъкидланмоқда. Энг таажжубланарлиси шундаки, Исроил имзо чеккан халқаро конвенцияларда фуқаролар ҳаётига хавф туғдирадиган давлатларга муҳожирларни жўнатиш тақиқланган. Судан ва Эритрея эса БМТнинг шундай мамлакатлар рўйхатидан ўрин олган.**

### ПРЕЗИДЕНТ ЁРДАМ СЎРАДИ

**Грузия президенти Михаил Саакашвили НАТО ва АҚШнинг Федерал қидирув идорасига (ФБР) ёрдам сўраб қилган мурожаатида YouTube интернет сайтида Грузияга нисбатан пайдо бўлган таҳдидли видеоёзувнинг муаллифини аниқлашни илтимос қилган. Таъкидлаш жоиз: мазкур таҳдид Грузия Афғонистонда олиб бораётган ҳарбий операцияларга қўшилгани сабабли юзага келган. Аҳамиятлиси, ушбу видео пайдо бўлганидан кейин уч соат ўтгач, Афғонистон жанубидаги Гилменд музофотида автомобиль портлатилган. Оқибатда етти нафар грузиялик ҳарбий вафот этган.**

### АЁЛЛАР МУҲОФАЗАСИ УЧУН ЯНГИ ҚОНУН




**Ўтган ҳафта Ҳиндистонда аёлларга қарши жиноят содир этганларга нисбатан қўлланиладиган жазоларни кучайтиришга оид қарор қабул қилинди. Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат асосида мамлакатнинг жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, хусусан, аёлга нисбатан оғир оқибатларга олиб келувчи зўрлик қилган жиноятчилар ўлим жазосига маҳкум этилиши қайд этилган.**

**Эслатиб ўтиш лозим: мазкур ўзгаришларга сабаб бўлган воқеа ўтган йили содир этилган ва унда 5 нафар йигитнинг 23 ёшли талаба қизга қилган ҳужуми оқибатида қиз ҳаётдан кўз юмган. Ҳозирги кунда мазкур иш бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда.**

### МИНИ ЮБКА КИЙМАНГ, ЖАЗОЛАНАСИЗ

**Жанубий Корея ҳукумати мамлакат фуқароларига мини юбка ва атрофдагиларга ноқулайлик туғдириши мумкин бўлган бошқа шунга ўхшаш кийимлар кийишни тақиқловчи қарор қабул қилди. Унга кўра, тартибни бузган фуқаролар 50 минг вон (45 АҚШ доллари) миқдорида жаримага тортилади.**

### ИНТЕРНЕТ-САЙЛОВ

**Япония парламентининг юқори палатаси томонидан Сайловолди кампаниясини интернет тармоғи орқали амалга ошириш имконини берувчи янги қонун қабул қилинди. Эътиборлиси, бундан аввал мазкур тарғиботнинг назоратсиз шакли қонунга хилоф ҳаракат сифатида баҳоланар эди. Маълум бўлишича, янги қонун мамлакатда ҳукмронлик қилаётган Либерал-демократик партия, шунингдек, мухолифатдаги Демократик партия ҳамда Японияни ислоҳ қилиш ассоциацияси каби ҳаракатлар томонидан бир овоздан маъқулланган. Шу тариқа энди кунчиқар юртдаги сиёсий партиялар ва номзодлар тарғибот ишларини ўзларининг ижтимоий тармоқлари, шахсий сайтлари ва блоглари орқали ҳам амалга оширишлари мумкин бўлади. Дарвоқе, жорий йилнинг ёзида юқори палата депутатлигига ўтказиладиган сайловлар айнан янги қонун асосида ўтказилиши кўзда тутилмоқда.**

## Ижтимоий реклама

## «ЭЪТИРОФ — 2013»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда матбуот ва интернет нашрларда жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар тезкор, холис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар кўламини ошириш, босма нашрларни шаклан ва мазмунан такомиллаштириш, уларнинг жаҳон стандартларига мос ривожланиши, дунё ахборот майдонида ўз ўрнини эгаллаши, рақобатбардош бўлиши, нуфузи ошишига кўмаклашиш, журналистларнинг касбий маҳоратини ошириш, нашрлар ўртасида профессионал алоқаларни йўлга қўйиш, тажриба алмашишга ёрдам кўрсатиш, иқтидорли муаллифларни рағбатлантириш мақсадида газета, журналлар, интернет агентликлари ва нашрлари ўртасида «Эътироф» танловини эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди молиявий кўмагида ўтказилади.

### Танлов номинациялари:

— энг яхши ижтимоий-сиёсий нашр;
— энг яхши иқтисодий нашр;
— энг яхши спорт нашри;
— энг яхши болалар нашри;
— газета-журналнинг энг яхши дизайни учун;
— энг яхши интернет-агентлиги ва нашри.

### Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари

Ғолиблар 2012 йилнинг 1 сентябридан 2013 йилнинг 1 сентябригача олиб борган фаолияти натижаларига кўра аниқланади. Ғолиблар қуйидаги мезонлар бўйича аниқланади:
— нашрнинг ўз йўналиши бўйича оммавийлиги;
— материалларнинг ранг-баранглиги ва долзарблиги;
— бадиий-эстетик безатилиши.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари ва тегишли идоралар вакилларидан иборат ҳайъат томонидан баҳоланади.

Танловда қатнашиш истагини билдирган таҳририятлар фонд дирекциясига ёзма равишда мурожаат қилишлари лозим.

### Ғолибларни тақдирлаш

Танлов ғолиблари «Ўзбекистон Матбуоти» III Миллий форумида эълон қилинади.

**Танловда қатнашиш учун аризалар 2013 йил 5 сентябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100129, Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 1-хона. Мурожаат учун телефонлар: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mmfuz@inbox.uz, info@mmf.uz.**

*Ташкилий қўмита.*




Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, **13-20** июнь кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгариб турсада, ёғингарчилик кутилмайди. Шамол ғарбдан **7-12** м/с тезликда эсиб, **13-14** июнда баъзи жойларда **15-20** м/сгача кучаяди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси **15-20**, кундузи **30-35** даража иссиқ бўлади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кечаси **17-22**, кундузи **33-38** даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси **18-23**, кундузи **33-38** даража иссиқ бўлади. Республикамизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида шамол ғарбдан **7-12** м/с тезликда эсади. Термометр кўрсаткичлари кечаси **17-22**, кундузи **30-35** даража иссиқ бўлишини кўрсатмоқда. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда об-ҳаво бироз булутли бўлса-да, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси **15-20**, кундузи эса **32-37** даража иссиқ бўлади. Тоғли ҳудудларда ҳарорат кечаси **10-15** даража илиқ, кундузи **18-23** даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.

# Эзгу ниятлар тантанаси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

**Шухрат ХЎЖАЕВ,**
**Асхор ИСТАМОВ**
«XXI ASR»



Аҳамиятлиси, ана шу иншоотларнинг 84 фоизи қишлоқ жойларда қурилди. Бундан ташқари, фаолият кўрсатаётган 262 та спорт иншоотини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун 570 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. 2012 йилнинг ўзида БСРЖ ташаббуси билан жойларда 92 та янги болалар спорти объекти ва 16 та сузиш ҳавзаси қад ростлади.

Эътиборли томони, бу ишлар юртимизда болалар ва ёшлар ўртасида дунёда ўхшаши йўқ тизим бўйича спорт мусобақаларини ташкил этиш жараёни билан параллель равишда олиб борилди. Натижада «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинларини ўз ичига олган уч босқичли ноёб тизим ёрдамида миллион-миллион болаларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлишлари учун мустаҳкам замин яратилди.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг март ойида ўтган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, сўнгги ўн йилда 14 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ўртача вазн кўрсаткичи 43 килограммдан 47 килограммга, қизлар ўртасида эса 44 килограммдан 48 килограммга ортган. Болаларнинг бўйи ўғил болалар ўртасида ўртача 3 сантиметрга, қиз болалар ўртасида эса 2,9 сантиметрга ўсган. Шу тариқа 92 фоиз ўғил-қизларимиз вазни ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос даражага етган.

Юқорида тилга олинган тизимнинг юқори босқичи — Универсиада мусобақалари Ўзбекистон талаба-ёшларининг келажагини белгилаб берадиган спорт анжуманига айланганини ҳам эътироф этиш керак. Бинобарин, айнан Универсиада мусобақаларида тобланган Аббос Атоев, Рустам Саидов, Ришод Собиров, Оқгул Омонмуродова, Светлана Радзивил, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров, Элмурод Холиқов сингари талаба-спортчиларимиз кўп ўтмай халқаро майдонларда ҳам нуфузли ўринларни эгалладилар.

— Дарҳақиқат, ёшлар мамлакати ва спортчилар диёри сифатида дунёга танилаётган Ўзбекистонда ўғил-қизларимизни ҳар томонлама соғлом этиб тарбиялаш учун барча шароитлар яратилди, — дейди самбо ва миллий кураш бўйича халқаро турнирлар ғолиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Собир Қурбонов. — Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли спорт ўйинларининг ҳар бири беқиёс аҳамиятга эга. Табиийки, бу борадаги саъй-ҳаракатлар қитъа, жаҳон чемпионатлари ҳамда Олимпия ўйинларида зафар қучишга қодир спортчиларнинг янги авлодини кашф этишга хизмат қилаяпти, десам янглишмайман.

Мамлакатимизда олтинчи маротаба Бухорода ўтказилган Универсиада мусобақаларига тўхталар эканмиз, спортнинг 12 тури бўйича ташкил этилган баҳслар якунига кўра ғолиб ва совриндорларга жами 193 та комплект медаллар топширилгани, умумжамоа ҳисобида қайд этилган натижалар бўйича Тошкент шаҳри талабаларига тенг келадиганлар топилмагани, ўз навбатида, пойтахт жамоаси юксак мукофот — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Универсиада-2013» спорт ўйинлари қатнашчиларига табригининг асл нусхаси ҳамда Президент совғаси — «Дамас» автомобили билан тақдирланганини алоҳида қайд этиш лозим. Иккинчи ва учинчи ўринларни эса тегишли равишда самарқандлик ва андижонлик ёшлар эгаллади. Уларга ҳам Юртбошимиз совғаси — «Дамас» автомобиллари топширилди.

— Уч босқичли спорт ўйинларининг барчасида фаол иштирок этиб келмоқдаман, — дейди самарқандлик Зарнигор Ортиқова. — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» баҳсларида эришган ютуқларим туфайли «Универсиада-2013» дастуридан ўрин олган енгил атлетика беллашувларида ҳам иштирок этдим. Спортчи дугоналарим — Зарина Тоирова, Зебинисо Ҳусанова, Аделя Саитова билан биргаликда 100 метрга югуриш — эстафета баҳсларида 52,8 сония натижасини қайд этиб, вилоятимизнинг умумжамоа ҳисобда 2-ўринни эгаллашига оз бўлса-да ҳисса қўшганимдан хурсандман.

Ишончимиз комилки, ўтган ҳафта кўҳна ва боқий замин — Бухорода ташкил этилган Универсиада баҳсларининг қизғин ва муросасиз кечишига сабабчи бўлган йигит-қизларимиз яна кўп бора жаҳон миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда Ўзбекистон байроғини баланд кўтарадилар.

Хусусан, айнан Бухородаги Универсиада беллашувларида маҳорат кўрсатган спортчи ёшларнинг аксарияти энди шу йилнинг 6-17 июль кунлари Россиянинг Қозон шаҳрида ўтадиган Жаҳон универсиадасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладилар. Маълумотларга кўра, ушбу нуфузли мусобақада 80 нафар спортчидан иборат Ўзбекистон делегацияси спортнинг 14 та тури бўйича ғолиблик учун куч синашади.

Юртимиз талабаларининг навбатдаги спорт ўйинларига эса 2016 йилда Фарғона шаҳри мезбонлик қилади.

## Қизиқ хабарлар

### 1 ДАҚИҚА 100 СОНИЯ ЭДИ...

Франциялик олимлар томонидан XVIII аср охирларида ўйлаб топилган метрик меъёрлар амалга татбиқ этилгунига қадар инсоният турли хилдаги ўлчов бирликларидан фойдалангани тарихдан яхши маълум. XIX аср охирларида метр ўлчови асосидаги тизим Европанинг каттагина қисмини қамраб олган бўлса, XX аср охирларида (АҚШдан ташқари) қарийб бутун дунё ушбу меъёрларни қабул қила бошлаган. Метрик тизимдан ўрин олган дастлабки ўлчов бирликлари эса метр ва грамм бўлган.
Эътиборлиси, тиниб-тинчимас французлар соатни ҳам метр ўлчови асосидаги тизимга мослаштиришга ҳаракат қилишган экан. Лойиҳага кўра, 1 дақиқа 100 сониядан, 1 соат эса 100 дақиқадан иборат бўлиши керак эди.
Бироқ кенг жамоатчилик мазкур ғояни аҳоли турмуш тарзи ва мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсир этувчи «кашфиёт» сифатида баҳолагач, ўлчови бирликлар асл ҳолича қолдирилган.

### КОНЧИЛАРНИ КАНАРЕЙКАЛАР ҚУТҚАРГАН

Буюк Британиянинг тоғ-кон ишларига оид қонунчилиги бир неча асрлик тарихга эга. Уларга мувофиқ, шахталарда заҳарли газлар мавжудлигини аниқлаш учун кон эгаларига канарейка қушларини сақлаш мажбурияти юклангани ни биласизми?
Маълум бўлишича, кончилар хавфсизлигини сақлашга қаратилган бундай чора-тадбирлардан 1986 йилга қадар фойдаланилган. Тегишли қонуннинг митти қушларни конларда сақлаш тўғрисидаги модда 1995 йилдагина ўз кучини йўқотган.
Энди хавфсизлик чораси ҳақида икки оғиз сўз. Гап шундаки, бу ҳолатда конда йиғилаб қолган метанга ўхшаш заҳарли газлар одамлардан аввал нисбатан майда жониворларга таъсир этиши ҳисобга олинган. Бошқача айтганда, заҳарли ис канарейкаларга таъсир этгач, тиним билмай сайраётган қушларнинг овози чиқмай қолган. Натижада кончилар ташқарига чиқиб, ҳаётларини сақлаб қолиш имкониятига эга бўлишган.
**Алим Эшпўлатов тайёрлади.**

## Савол беринг, жавоб берамиз!



### РАДАР ҲАМ ТЕКШИРИЛИШИ КЕРАК

**Газ ҳамда сув сарфини ҳисоблаш воситаларининг белгиланган тартиб ва муддатда текширувдан ўтказиб турилиши кўпчиликка маълум. Айтингчи, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан ишлатиладиган транспорт воситаларининг ҳаракат тезлигини ўлчаш ускуналари, яъни радарлар ҳам давлат қиёсловидан ўтказиб туриладими? Агар шундай бўлса, ЙҲХ ходимлари вақтида текширувдан ўтказилмаган радарлардан фойдаланиши мумкинми?**

*М.Мавлянов (Тошкент шаҳри).*

Сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти мутахассиси Ғайрат Ғозиевнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, мажбурий давлат қиёслашидан ўтказилиши лозим бўлган намунавий ва ишчи воситалар рўйхатига асосан, транспорт воситалари ҳаракат тезлигини ўлчаш воситаси — радарнинг қиёслаш даврийлиги 1 йил этиб белгиланган. Бу эса бу турдаги восита ҳар йили қиёсловдан ўтказилиши керак, деганидир. Табиийки, ЙҲХ ходимлари ўз вақтида, тегишли тартибда текширувлардан ўтказилмаган тезликни ўлчаш ваоситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

Эълон

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси офис мебелларини харид қилиш ва матбаа маҳсулотларини тайёрлаш бўйича танлов ўтказмоқда.**
Мурожаат учун телефонлар: 254-04-69, 281-49-67.

Реклама







Реклама




## «XXI ASR» МУШТАРИЙЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ҳурматли газетхонлар, тадбиркор ва ишбилармон юртдошлар!**
Агар Сиз ўзингизни қизиқтираётган саволларга тез ва аниқ жавоб олиш, фаолиятингизга халақит бераётган масалаларга ойдинлик киритишда малакали мутахассислар фикрлари, бу борадаги маълумотларга эга бўлишни хоҳласангиз, таҳририятга мурожаат қилинг.
Сизнинг ҳеч бир мурожаатингиз эътиборсиз қолмайди.

**Хат ва хабарларингизни қуйидаги манзилларга жўнатишингиз мумкин:**
**Почта манзили: 100051, Тошкент ш., Нукус кўчаси, 73-А» уй.**
**e-mail: XXIasr@uMail.uz.**
**Мурожаат учун телефон рақамлари: 255-64-80, 215-63-80 (факс).**

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Носир ТОШЕВ, Ориф ЎЛМАСОВ, Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ.
БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган

Буюртма рақами: J 7360. Тираж: 22324
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
Ш.ХЎЖАЕВ, С.ЗОИРОВ.